*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 101 (5392).
4 МАЙ 1984 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ

«Мактаб ўқувчиларининг меҳнат тарбиясини, таълимини, уларга касб танлашга ўргатишни яхшилаш ҳамда уларнинг ижтимоий фойдали, унумли меҳнатини ташкил этиш тўғрисида» қабул қилинган қарорининг баёни тонгги газеталарда эълон қилинган.

Қарорда фан асосларини ўргатишни мактаб ўқувчиларини мунтазам уюшган, қурби етадиган, ижтимоий фойдали, унумли меҳнатда бевосита қатнаштириш билан чамбарчас боғлаш лозимлиги уқтириб ўтилади.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида 1984 йил 21 апрель куни ўтказилган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик якунлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Шанбаликда 157 миллиондан кўпроқ меҳнаткаш иштирок этганлиги совет кишиларининг юксак онглилигини, уларнинг ватанпарварлигини, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада кучайтириш, халқ фаровонлигини муттасил юксалтириш юзасидан Коммунистик партия ўртага қўйган вазифаларни рўёбга чиқаришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш иштиёқида эканликларини яна бир бор намойиш қилди. Партия, совет ва касаба союз ташкилотларидан олинган хабарларда шанбалик куни ишчилар, колхозчилар, зиёлилар хамма жойда баланд руҳ билан меҳнат қилганликлари, кўп саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилганлиги, кўкламги дала ишлари интенсив равишда авж олдириб юборилганлиги, халқ хўжалиги юклари ташишнинг талайгина ҳажми бажарилганлиги, шаҳар ва қишлоқларини ободонлаштиришга доир кенг кўламдаги тадбирлар амалга оширилганлиги қайд этиб ўтилади. Меҳнат унумдорлигини пландан ташқари бир процент ошириш ва маҳсулот таннархини қўшимча равишда ярим процент арзонлаштириш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажаришга салмоқли ҳисса қўшилди. Шанбалик юксак интизом ва уюшқоқлик, ишлаб чиқариш резервларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш кўриги бўлиб қолди, зарбдор меҳнатнинг ёқин байрамига айланди. Коммунистик шанбалик якунлари тўғрисидаги ахборот матбуотда эълон қилинади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 1986 — 1990 йилларда картошка, сабзавот ва мева омборларини енгил металл конструкциялардан саноат йўли билан тайёрлаш, қуриш ва фойдаланишга топшириш борасида СССР Министрлар Совети ишлаб чиққан тадбирларни қўллаб-қувватлади. Шундай омборларни ишлаб чиқаришни ташкил этишни, уларни истеъмолчиларга комплект ҳолда етказиб беришни, шунингдек омборларни батамом қуриб топширишни СССР Госкомсельхозтехникаси зиммасига юклаш мўлжалланмоқда. Сиёсий бюро мажлисида қайд этиб ўтилганидек, батамом йиғма ҳолдаги омборлар қурилишининг кенгайтирилиши айниқса картошка, сабзавот ва мева етиштириладиган жойларда шундай маҳсулотнинг нобуд бўлишини талай даражада камайтиради.

Сиёсий бюро К. У. Черненко ва А. А. Громико ўртоқларнинг Финляндия Республикаси Президенти М. Койвисто билан ўтказган суҳбатларининг якунларини маъқуллади. Совет Иттифоқи Финляндия билан дўстона, яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга, мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ишончни янада чуқурлаштириш ва самарали ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бераётганлиги, бу ҳамкорликни турли ижтимоий тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшаш ленинча принциплари ҳаётийлигининг яққол далили деб билаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Сиёсий бюро Италия Республикаси ташқи ишлар министри Ж. Андреотти билан Москвада ўтказилган музокаралар тўғрисидаги ахборотни тинглади ҳамда совет раҳбарлари ана шу музокаралар чоғида ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатлари, Европада ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб СССР билан Италия ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган йўлни изҳор этганликларини маъқуллади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида К. У. Черненко ва Б. Н. Пономарев ўртоқларнинг Греция Коммунистик партияси Марказий Комитети Бош секретари Х. Флоракис билан учрашуви якунлари маъқулланди, шунингдек, Коммунистик партия билан Совет давлати ички ва ташқи сиёсий фаолиятига доир бошқа баъзи масалалар кўриб чиқилди.

# ЦЕХ ХЎЖАЙИНИ БЎЛАЙЛИК

Корхонамизнинг колективи олдида ҳам реконструкция қилиш, янги қувватларни яратишга кетган харажатларни тезроқ қоплаш вазифаси турибди. Яқин фурсатда 200 минг квадрат метрдан ортиқ ишлаб чиқариш майдонимиз реконструкция қилинишини лозим. Шу мақсадга асосланиб, вазифани яна бир эта бориб, янги қурилаётган ҳамма участкаларни тезроқ лойиҳадаги қувватга етказишга ҳаракат қилиб, Константин Устиновичнинг айтганидек, сарфланган маблағларни давлат режасига вақтида қайтариб турамиз.

Шундан ортиб ортиқчадан ортиқ ҳар бирни ишимизнинг ташаббуси ва ижодий ҳиссаси — ички резервларни ишга солиш сезиларли натижалар берди: колектив тракторнинг мураккаб детали — трансмиссия корпусига ишлов берадиган роботлар билан таъминланган махсус станоклар комплекс механизациялашган линияси муддатидан ярим йил аввал ишга туширилди. Май ойида лонжерон тайёрлайдиган линиянинг лойиҳадаги қувватини муддатидан илгари ўзлаштириш ниятидамиз.

Ўртоқ Черненко айтган камчиликлар, таассуфки, ҳозирча бизда ҳам бор. Поток линияларнинг бирида трансмиссия корпусларига аталган заготовкалар бир маромда бериб турилмаслиги сабабидан муттасил қийналиб келамиз. Бошқа бир линияда эса машина-ускуналарнинг бир қисми етишмаслиги сабабидан бир қанча ишларни қўлда бажаришга тўғри келаяпти. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси шу машина-ускуналарни вақтида етказиб беролмаётир. Шундай қилиб, мушкул аҳволдан чиқиш учун баъзида цехда қўшимча сменалар ташкил этишга ҳам тўғри келмоқда. Ҳар ҳолда буюртмачиларимизни норози қилмаяпмиз. Бирлашма қишлоққа маҳсулот етказиб бериш юзасидан зиммасига олган мажбуриятларни батамом ва ўз муддатида бажариб келмоқда.

**М. ТУРОБОВ,**
«Тошкент трактор заводи» бирлашмаси 7-механика-йиғув цехининг слесари, КПСС XXVI съездининг делегати.





• *Қизил байроқли коллективларда*

# НАФИС ВА БЕЖИРИМ

КПСС XXVI съезди номидаги Тошкент чинни заводининг коллективи халқ истеъмоли товарларини кўплаб ишлаб чиқариш, уларнинг сифатини яхшилаш йўлида ғайрат билан меҳнат қиляпти. Корхона маҳсулотларини ҳамма ерда: республика пойтахтида ҳам, Ўзбекистоннинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида ҳам севиб харид қилишади. Чунки бежирим ва нафис чойнак ва пиёлалар, лаганлар, косалар ҳар бир хонадон рўзғорида асқотади. Ушбу корхонада ишлаб чиқарилган кўркам сервизлар бир қатор йирик халқаро кўргазмаларда ҳам муваффақиятли намойиш этилган.

Корхонанинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланиши завод коллективини янги меҳнат зафарларига илҳомлантириб юборди. Завод коллективи республикамизнинг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун ўз зиммасига оширилган социалистик мажбурият қабул қилди. Ҳозир ана шу мажбуриятлар муваффақиятли бажарилмоқда. Бунда корхона ветеранларининг, коммунист ва комсомолларнинг муносиб ҳиссаси бор.

* * *

СУРАТЛАРДА: заводнинг энг яхши рассомларидан бири Р. Собирова; бригадир Д. Тиллаева ва рассом Ш. Қудратиллаева; комсомол аъзоси М. Жумабоеванинг заводда ишлаётганига 6 йилдан ошди.

Т. Каримов фотолари.



• *Пойтахт қурилишларида*

# Бош мезон

Шу кунларда Тошкент қурилиши Бош бошқармасига қарашли саноат корхоналари, қурилиш трестлари, автомобиль хўжаликларида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақа тобора қизғин тус олмоқда. Бу беллашувда Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-трестнинг 9-қурилиш бошқармаси бинокорлари ҳам фаол иштирок этишяпти.

Бошқарма азаматлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) ҳамда февраль (1984 йил) Пленумлари қарорларидан келиб чиқадиган қонда ва хулосалар асосида иш юритиб, меҳнат унумдорлигини пландагига нисбатан бир процент ошириш, маҳсулот таннархини ярим процент камайтириш учун бошланган ташаббусни қизғин кутиб олдилар. Бу ерда кўпгина бригада коллективлари «Беш йиллик план — тўрт йилда!» шиори остида астойдил меҳнат қилишяпти. Шундайлардан бири — «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» Қўчқор Йўлдошев бошчилигидаги комплекслашган бригада коллективидир. Бригада коллективи ўтган йили Халқлар дўстлиги проспектида 1160 ўринли мактаб ҳамда битта 32 квартирали турар жой биносини муддатидан илгари фойдаланишга топширган эди. Азаматлар ҳар бир объектни сифатли бунёд этиш билан бирга, қурилиш материалларини тежаб ишлатишда ҳам насбдошларига ўрнак бўлмоқдалар. Шунинг учун ҳам улар ана шу икки объектдан 5 минг дона пишиқ ғишт, 15 кубметр бетон, 6 кубметр қоришма, 2 кубметр ёғочни тежаб қолишга муваффақ бўлдилар.

Ҳозирги кунда бригада аъзолари пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги проспектида 32 квартирали турар жой биносини бунёд этмоқдалар. Азаматлар объектнинг пойдеворини қисқа вақт ичида қўлдан чиқариб, биринчи қаватида ғишт териш ишларини муддатидан илгари бошлаб юборишди.

Коммунистик меҳнат бригадаси номли коллектив 26 кишидан ташкил топган. Аҳил коллектив ойлик планларини муттасил равишда 120—130 процентдан адо этиб келяпти. Бу меҳнат муваффақиятларининг қўлга киритилишида дурадгор Эргаш Латипов, Сандкарим Хўжаев, ғишт терувчилардан Эргаш Юсупов, Жамол Сулаймонов, Ҳамид Убайдуллаев, Мирсоат Миролимовларнинг ҳиссалари катта бўляпти. Улар кунлик нормаларини 1,5—2 ҳиссадан бажариб, бригада шуҳратига-шуҳрат қўшмоқдалар.

**Э. ТУЛАГАНОВ.**

# СТАНОК ЁНИДА РОБОТ

Яқин механик қўли бўлган шу ақлли автомат кўп ишларни қилиши мумкин бўлади. «Миконд» заводида ўрнатилган роботлар ГР-1,25 роботи сезгирлари «бармоқлари» бирдан кутидан заготовкани олади, уни станокка жойлаштиради ва штамплайди. Роботланган асбобнинг ишини тегишли тегига қўяди. Роботлаштириш республика Фанлар академияси «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари корхонанинг цехларидан бирида монтаж қилдилар. Натижалар яхши. Оғир қўл меҳнатидан халос бўлиш, деталь тайёрлаш сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқаришни жадаллаштириш мумкин бўлди.

— Ишлаб чиқаришни роботлаштириш — замонимизнинг муҳим талаби, — дейди бирлашма бош директорининг ўринбосари техника фанлари доктори Абдулатилла Мўминов. — «Миконд» заводида ишлатилаётган роботларни ишлатиш — пировард мақсадга эришишимизда бу соҳада механик, химик ва термик ишлов берадиган қайишқоқ материалларни ишлатиш ва ишлаб чиқаришни яратишдаги мақсад қилиб олганимиз катта, мураккаб вазифанинг бошланишидир, холос. Бундай ишлаб чиқариш тўрттадан робототехнологик ва бешта автоматик комплексни ишга тушириш назарда тутилган. Бундан ташқари янги электрон-тизимли машиналарини ишлаб чиқариш ва фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқариш программа билан ишлайдиган автомат тарзда ишлайдиган системаси ҳам яратилади. Бу ишларни бажаришда «Кибернетика» бирлашмасининг мутахассислари иштирокида ишлаб чиқариш режаси тасдиқланган. Ўзбекистон Тошкентдаги бир қанча заводларида, жумладан, трактор заводида, «Ташсельмаш», электромеханика заводларида ҳам яқин ишлаб турибди.

• *Идеология ишлари кундалиги*

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиуми «Билим» жамияти район ташкилоти билан ҳамкорликда Сергели район партия комитети «В. И. Ленин ва хотин-қизлар масаласининг халқаро аҳамияти» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказди.

Унда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати Р. Х. Аминова «Ўзбекистон хотин-қизлари — коммунизмнинг актив бунёдкорлари» мавзуида доклад қилди.

Конференцияда Тошкентда таълим олаётган чет эллик студентлар комидан Ҳиндистон Республикасининг вакили Радха Кришану Гита сўзга чиқди. Конференция қатнашчилари хотин-қизларни тинчликни сақлаш учун актив курашга чорловчи тавсиянома қабул қилдилар.

• *Диққат, янгилик!*

## МЕТРОНИНГ 500 МИЛЛИОНИНЧИ ЙЎЛОВЧИСИ

Тошкент метроси жаҳонда ўттиз олтинчи, СССРда еттинчи, Ўрта Осиё республикалари ичида эса биринчидир. Ҳозир метро пойтахт транспортлари орасида асосий ўринлардан бирини эгаллаб, ҳар куни 300 минг йўловчига хизмат кўрсатмоқда. Ўтган йили метросозлар 92 миллион 749 минг йўловчига хизмат кўрсатишди. Бундан беш йил муқаддам, 13 сентябрь куни эса Тошкент метроси 100 миллионинчи йўловчини ташиган эди.

БУГУН

**Равиль Багдалов бошқарган поездга метронинг «Горький» станциясидан 500 миллионинчи йўловчи чиқди. Бу прокат салонининг хизматчиси Дилором Муротовадир.** У ҳар куни шаҳримиз метроси хизматидан фойдаланиб, ишга метронинг «Ҳамза» станциясидан «Горький» станциясигача қатнайди. Метронинг 500 миллионинчи йўловчисини ҳамшаҳарларимиз гулдасталар билан муборакбод этишди.

Ҳозир шаҳримиз аҳолиси 2 миллиондан ортиқ бўлса «заңгори поезд»лар шу кунгача ҳар бир тошкентликка 250 мартадан хизмат кўрсатган бўлади. Тошкент метросининг келажаги янада порлоқ. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги арафасида узунлиги 5 километрдан зиёд унинг иккинчи линияси биринчи навбати фойдаланишга топширилади. Айни пайтда барча ер ости бекатларида пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

# ШУ КУННИНГ НАФАСИ

## *Бугун Тошкентда:*

**Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси Давлат комитетига Москвадан телеграмма келди. Унда уч корхона Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси бўйича биринчи квартал якунларига биноан ғолиблар деб маълум қилинади. Бу корхоналар орасида Тошкентдаги «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси бор. Бу коллективга СССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси Давлат комитети ва маданият ходимлари касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилади.**

●

**2515-автоколоннанинг Г. Бабич бошлиқ шоферлар бригадаси ярим йиллик топшириқни адо этди. Бу илғорлардан В. Сафронкин бошлиқ коллектив ҳам ортда қолаётгани йўқ. Автоколонна ҳайдовчилари йил бошидан бери бир миллион тоннадан знёд халқ хўжалиги юкларини ташиб бердилар.**

●

**Ўзбекистон касаба союзлари республика Советида пойтахтимизда ўз гастролларини давом эттираётган А. А. Брянцев номли Ленинград ёш томошабинлар театри санъаткорлари билан ижодий учрашув бўлади.**

### ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 17 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво ўзгариб турса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 7—12, кундузи 18—23 даража иссиқ бўлади.

# ЗАРБДОР СУРЪАТ БИЛАН

Тошкентдаги 153-қурилиш трестидан Иван Тен бригадаси кўп қаватли ётоқхонадаги ишларни тугаллаш билан айни бир вақтда 1984 йилги план-топшириғини ҳам бажарди. Коллектив навбатдаги объект қурилишида беш йиллик сўнгги йили ҳисобига ниш бошлади.

Коллектив ишларни жадаллаштириш асосий резервини бригада пудратидан топмоқда. Шу методдан фойдаланиш йилдан-йилга практикаси ҳар бир кишида ўзини қурилиш майдончасида ҳўжайин деб ҳис этиш руҳида тарбияланади, зарур дақиқаларда қаер кўпаймоқда ва мамлакатнинг экспорти ошмоқда. 1983 йилда экспорт қилинган чой 585,5 миллион килограмм бўлди. 2000-йилга борганда эса мамлакат камида 1100 миллион килограмм чой олишни мўлжалламоқда.

Шу мақсадда чойзорлар майдонини 50 минг гектарга кенгайтириш, чой тупи ҳосилдорлигини ошириш кўзда тутилади.

# БРИГАДА МЕТОДИГА ТАЯНИБ

КОММУНИСТЛАР — МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМЛАРИ

«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи биринчи квартал топшириғидан ташқари салкам икки юзта селялка ва кўп миқдорда эҳтиёт қисмлар жўнатди. Корхона партия ташкилоти ишлаб чиқаришни интенсивлаш юзасидан амалга оширган тадбирлар мамлакат пахтакорлари учун машина-механизмлар ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга қўмаклашди.

Бирлашма партия комитети меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берди. Коммунист В. Старжинский раҳбарлик қилаётган бригадирлар кенгашининг иш программаси қайта кўриб чиқилди. Кенгаш аъзолари машинасозлар ўртасида янги метод бўйича меҳнат қилиш афзалликларини тушунтириш ишларини кучайтирибгина қолмай, шу билан бирга станокчилар малакасини ошириш ва бригадаларнинг раҳбарларини қайта тайёрлаш курсларини ҳам ташкил этдилар. Натижада уч ой ичида бригада методи билан ишлашга ўтган коллективлар сони бирлашмада қарийб учдан бир баравар кўпайди. Ана шу коллективларнинг кўпчилигида партия группалари тузилди.

Кўкламги экиш мавсуми арафасида бирлашмада пахтакор республикаларга техника ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа кенг авж олиб кетди. Бунда коммунистлар пешқадамлик қилишди. Чунончи партия комитетининг аъзоси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори темирчи Ғ. Холматов В. И. Ленин туғилган кунининг 114 йиллигигача шу йилнинг тўрт ойи топшириғини бажаришга сўз берди. Коммунистлардан термист А. Сотволдиев, комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи В. Завада ва бошқалар унинг ташаббусини биринчи бўлиб қўллаб-қувватладилар.

Битта наряд асосида ишлаётган коммунистлардан Б. Фозилов ва А. Абдушоҳидов раҳбарлик қилаётган бригадалар сермеҳнат ишларни механизациялаш ҳисобига меҳнат унумдорлигини беш процент оширдилар.

**(ЎзТАГ).**

# ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

▲ ПРАГА. Пльзень машиналар заводининг меҳнаткашлари Биринчи Майни ишчи сана — мамлакатда энг катта машинасозлик корхонаси «Шкода» бағишлаб этилаётганлигининг 125 йиллигини бир вақтда нишонладилар. Бу завод Ильич Ленин номи билан аталган. Пльзендаги замонавий улкан саноат корхонаси прокат станлар, оғир карусель станоклар, электрон усули билан бошқариладиган катта-катта металлсозлик станоклари, катта қувватли буғ турбиналари, магистраль тепловозлар ва электровозлар, троллейбуслар ва бошқа машина-механизмлар ишлаб чиқармоқда.

▲ ЖАЗОИР. Жазоир Халқ Демократик Республикасини иқтисодий ва социал ривожлантириш юзасидан 1980—84 йилларга мўлжалланган план муваффақиятли бажарилмоқда. «Ал-Жайш» журналининг ёзишича, шу йиллар мамлакатда ўнлаб катта-катта ва ўрта саноат корхоналари қурилди, 600 минг янги иш ўрни вужудга келтирилди. Ҳар бир жазоирлик оиланинг харид қобилияти 20 процент ортди, Жазоир меҳнаткашларининг социал таъминоти яхшиланди.

▲ ДЕҲЛИ. Чойкорларнинг Деҳлида бўлиб ўтган семинарида Ҳиндистонда чой саноатини ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Мамлакатнинг чойзорларида терилб олинаётган чой барги йилдан-йилга қурувчилар турдош касбларни эгалладилар.

Бригада комплекс бригада бўлиб, ҳар бир объектни пойдевордан бошлайди ва уни пардозловчиларга топширгандан кейингина жўнаб кетади.

▲ ҚОҲИРА. Мисрда нефть қазиб чиқазадиган иккита янги катта район ишга тушди. «Ахбор ал Явм» газетасининг хабар беришича, Сувайш кўрфазидаги Рас-ал-Бизхар ва Ҳолиқ-аз-Зайт конларида саноат кўламида нефть қазиб чиқарила бошланди. Ҳар куни қазилаётган нефть 40 минг баррелга етмоқда.

* * *

Мисрда янги нефть кони очилди. У Искандария яқинидаги Абу Кир бурни районида жойлашган. МЕН агентлигининг хабарига кўра топилган нефть қатлами мамлакатга бир кунда бир ярим минг баррель нефть, шунингдек 4 миллион куб фут чамаси табиий газ беради.

**(ТАСС).**

## *тонгги газеталарда*

● Май кунлари Москва инсониятнинг эзгу орзу-умидларига содиқлигини яна яққол намойиш этмоқда. У Биринчи Май тантаналарида қатнашиш учун 100 дан ортиқ мамлакатдан келган касаба союз вакилларини шодиёна кутиб олиб, тинчлик, бунёдкорлик ва интернационал бирдамлик идеалларини қарор топдирмоқда.

Шу меҳмонлар ҳамда Халқаро касаба союз ташкилотларининг вакиллари 2 май куни Москва меҳнаткашлари билан биргаликда Союзлар уйининг колонна залига тўпланиб, тинчлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга азму-қарор берганликларини Москванинг юксак минбаридан маълум қилдилар. Москва меҳнаткашларининг чет эл касаба союз делегациялари иштирокида Биринчи Майга бағишланган митинги ҳақида батафсил ҳисобот тонгги газеталарда эълон қилинган.

# Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби

«Тошкент оқшоми»га

«МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАТЛАРИ, ТАКЛИФЛАРИ ВА ОҒЗАКИ АРИЗАЛАРИ БИЛАН ИШЛАШНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШ УЧУН РАҲБАРЛАР ВА МАНСАБДОР ҚИШИЛАРНИНГ ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТИ ОШИРИЛСИН, ҚЎТАРИБ ЧИҚИЛГАН МАСАЛАЛАР МОҲИЯТИ ЮЗАСИДАН ЗУДЛИК БИЛАН ЧОРА КЎРИЛСИН, АРИЗАЧИЛАРГА ЎЗ ВАҚТИДА АСОСЛИ ЖАВОБ БЕРИЛСИН».

(КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги қароридан).

Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун

Озиқ-овқат программаси умумхалқ иши

Шахсий машина эгаларига қулайлик

# ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ УЙ-ЖОЙ КОДЕКСИ—АМАЛДА

**Аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш энг муҳим соцнал вазифалардан бири. Шу боисдан мамлака тимизда уй-жой қурилишига ва унинг тақсимланишига катта эътибор бериляпти. Чунончи, 1984 йил 1 январдан Узбекистон ССРнинг Уй-жой кодекси амалга киритилди. Шу муносабат билан оқшомхонлардан кўплаб хатлар келяпти. Улар ўз хатларида уй-жой олиш учун навбатга туриш, уй-жойларнинг тақсимланиши ва бошқа шарт-шароитлар хусусида саволлар билан мурожаат этиш яптн. Газетхонларнинг саволларига Тошкент шаҳар Советн ижроия комитети юстиция бўлимн бошлиғи ўринбосари М. ХЎЖАЕВ жавоб беради:**

**Уй-жой фонди деганда қандай уйлар назарда тутилади? Жумладан, турар жой микрорайонидаги барча уйлар, шунингдек савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари уй-жой фондига кирадими?**

**А. РУСТАМОВ.**

Амалга киритилган кодекснинг 4-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон территориясидаги уй-жойлар, шунингдек, бошқа иморатлардаги турар жойлар уй-жой фондини ташкил этади. Уй-жойлардаги яшаш учун мўлжалланмаган, савдо ва маиший эҳтиёжлар учун белгиланган ҳамда саноат характерида бўлмаган бошқа хоналар уй-жой фондига кирмайди.

Уй-жой фондининг турларига — давлат уй-жой фонди, жамоат уй-жой фонди, уй-жой қурилиш кооперативлари фонди, шахсий уй-жой фонди киради. Уй-жой фондига, шунингдек, давлат-колхоз ва бошқа хил давлат-кооператив бирлашмаларига, корхоналар ва ташкилотларга қарашли уй-жойлар ҳам киради.

**Қандай оилалар уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож ҳисобланади ва биринчи навбатда турар жой кимларга берилади?**

**К. СУЛТОНОВ.**

Янги уй-жой қонунчилигига мувофиқ, қуйидаги гражданлар ўз уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож деб ҳисобланадилар:

— ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган уй-жой майдони Ўзбекистон ССР Министрлар Совети белгилаб қўйган даражадан кам бўлган кишилар;

— давлат ва жамоат уй-жой фонди уйларида ёки уй-жой кооперативларига қарашли уйларда ёхуд якка тартибда қурилган уйларда ижарага олиш шартномаси асосида ижарада туриш шарти билан узоқ вақт яшаб келаётган ва бошқа турар жойи бўлмаган кишилар;

— ётоқхонал а р д а яшаб келаётган кишилар, мавсумий ва муваққат ишларидаги ходимлар, шунингдек, ўқиш муносабати билан кўчиб келган гражданлар бундан мустасно:

— белгиланган санитария ва техника талабларига жавоб бермайдиган уй-жойда яшаб келаётган кишилар;

— баъзи бир сурункали касалликларнинг оғир формасига учраган ва шу сабабли алоҳида хонада яшашга муҳтож бўлган кишилар;

— бир хонада ёки бир-бирига туташ хоналарда қариндош-уруғчилиги бўлмаган ҳолда яшаб турган икки ва ундан кўпроқ оила.

Уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган гражданлар истиқомат жойларидаги район Советининг ижроия комитетида ёки ишлаш жойларида ҳисобга олинадилар.

Биринчи навбатда ва навбатсиз турар жой олиш ҳуқуқига эга бўлганлар алоҳида ҳисобга олинадилар.

Турар жойлар биринчи навбатда уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган қуйидаги шахсларга берилади:

Улуғ Ватан уруши инвалидларига ва ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган жангчилар (партизанлар)нинг оилаларига ҳамда белгиланган тартибда уларга тенглаштирилган шахсларга;

Совет Иттифоқи Қаҳрамонларига, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларига, шунингдек, учала даража Шуҳрат ордени, Меҳнат шуҳрати, «СССР Қуролли Кучлари сафида Ватанга хизмат қилганлиги учун» орденлари билан мукофотланган шахсларга;

ССР Иттифоқи қонунларида белгилаб қўйилган тартибда тасдиқланадиган касалликлар рўйхатида санаб ўтилган айрим сурункали касалликларнинг оғир формасига чалинган шахсларга;

Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши даврида ҳамда СССРни ҳимоя қилиш юзасидан бошқа жанговар операциялар вақтида ҳаракатдаги армия составида бўлган шахсларга, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши партизанларига, шунингдек СССРни ҳимоя қилиш юзасидан жанговар операцияларда қатнашган бошқа шахсларга;

I ва II группа меҳнат инвалидларига ҳамда ҳарбий хизматчилар составида бўлган I ва II группа инвалидларига;

давлат ва жамоат бурчларини бажариш вақтида инсон ҳаётини сақлаб қолиш юзасидан СССР граждани бурчини адо этиш чоғида, социалистик мулкни сақлаш ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ёхуд бахтсиз ҳодиса натижасида ишлаб чиқаришда ҳалок бўлган шахсларнинг оилаларига;

ишлаб чиқариш соҳасида узоқ вақт ҳалол меҳнат қилган ишчи ва хизматчиларга;

«Қаҳрамон она» унвонига сазовор бўлган оналарга, беш ва ундан ортиқ болалари бўлган кўп болали оилаларга ҳамда ёлғиз оналарга;

эгизаклар туғилган оилаларга.

**Уй-жой майдонининг нормаси ҳар бир киши бошига ўн квадрат метр ҳажмда белгиланган дейишяпти. Шу тўғрими? Яна бир саволимга жавоб берсангиз: биз — онам, акам, кеннойим, жияним, синглим ва мен — олти киши биргаликда яшаймиз. Турар жойимиз 59 квадрат метрдан иборат. Мен ўзим уй-жой қуриш кооперативига аъзо бўла оламанми? Мен ҳозир илмий муассасада ишлаяпман.**

**Г. ИСМОИЛОВА.**

Республикамизда уй-жой майдонининг нормаси ҳар бир киши бошига 10 квадрат метрдан иборат ҳажмда белгиланади. Айрим категориядаги гражданларга бу нормадан ташқари алоҳида хона тарзида ёки 10 квадрат метр ҳажмида қўшимча уй-жой майдони берилади.

Турар жойлар бериш вақтида бир хонага, эрхотиндан ташқари, тўққиз ёшдан катта бўлган турли жинсдаги шахсларнинг кўчиб киришига йўл қўйилмайди.

Энди иккинчи саволга келсак, ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган уй-жой майдони Ўзбекистон ССР Министрлар Совети белгилаб қўйган даражадан кам бўлган кишилар уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож деб ҳисобланадилар. Чунончи, Тошкент шаҳрида ҳар бир киши ҳисобига олти квадрат метрдан кам уй-жой майдони бўлган гражданлар уй-жой шароитини яхшилаш учун ҳисобга олинадилар. Юқоридаги хат авторининг оиласи олти кишидан иборат бўлиб, уй-жой майдони 59 квадрат метр. 59 ни 6 га тақсимласак киши бошига 9 квадрат метрдан ортиқ тўғри келади. Бу белгиланган минимал даражадан анча ортиқ. Демак, бу оила уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож ҳисобланмайди.

Уй-жой кодексининг 124-моддасига кўра, ўз уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган гражданларгина турар жой қуриш кооперативига киришга ва ундан квартира олишга ҳақлидирлар.

**Мен ўзим яшаб турган ЖЭКка қарашли квартирани шахсий уйга алмаштиришим мумкинми?**

**Қ. ЮСУПОВ.**

Давлат уй-жой фондига қарашли уйлардаги квартирани шахсий уйга алмаштиришга йўл қўйилмайди.

**Биз яшайдиган маҳаллада эски уйлар бузиб ташланиб, янги микрорайон қурилади дейишяпти. Уйимиз бузилса, унинг қиймати тўланадими?**

**И. ҚУДРАТОВ.**

Давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан гражданларнинг шахсий мулкидаги уй-жойлар бузиладиган бўлса, мазкур гражданларга ва уларнинг оила аъзоларига давлат ёки жамоат уй-жой фонди уйларидан белгиланган нормаларда квартира берилади. Бундан ташқари уй-жой эгаларига, уларнинг хоҳишига қараб бузилаётган уйнинг қиймати иморатлар ва қурилмалар қиймати тўланади, ёҳуд уларнинг истаги билан мазкур уйлар, иморатлардан чиққан материаллардан фойдаланиш ҳуқуқи берилади. Гражданларнинг хоҳишига қараб, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари уларга (квартира бериш ўрнига) уй-жой қуриш кооперативлари аъзолигига навбатсиз кириш ва бу кооперативлардан квартира олиш имкониятини яратиб берадилар.



«Ўртоқ» кондитер фабрикасининг ирис цехида ўн хилга яқин сифатли ширинликлар тайёрланади. Цех коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган социалистик мусобақада фаол қатнашиб, юксак кўрсаткичларга эришмоқда.

Бу ерда кўплаб тажрибали ишчилар меҳнат қилади. Шулардан бири коммунистик меҳнат зарбдори, Киров район Совети депутати Фарида Насриддиновадир. У смена топшириғини 110—115 процентдан бажаришга муваффақ бўлмоқда.

СУРАТДА: Ф. Насриддинова.

Х. Мирзакаримов фотоси.

# «ЖИГУЛИ»: ГАРАНТИЯ ВА СЕРВИС КИТОБЧАСИ

**Автомобилга техник хизмат кўрсатишнинг энг қулай тартиби бу — машина учун талаб қилинадиган фақат мустаҳкамлигини эмас, балки унинг ремонт ва хизмат кўрсатиш характерларини камайтиришни таъминловчи аниқ ва даврий равишда такрорланиб турадиган технологик жараёндир.**

**Бизга «Жигули» автомобили гарантияси ва сервис китобчасидан қандай фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот берсангиз.**

**Х. ЖАЛОЛОВ, А. ИСҲОҚОВ, Д. МИРБОБОЕВ ва бошқалар.**

**Ш. ИБРОҲИМОВ,**
**Тольяттидаги «АвтоВАЗтехобслуживание» бирлашмасининг инженери.**

— «Жигули» машинасига 13 талонли ва 120 минг километр йўл босишга мўлжалланган сервис китобчасига биноан даврий равишда техник хизмат кўрсатилади. Сервис китобчаси автомобилга хизмат кўрсатиш муддати ва тартибини, шунингдек завод билан автомобиль эгаси ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгиловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Машина узоқ муддат ва бенуқсон ишлаши учун амалга ошириладиган техник хизмат кўрсатиш ишларини икки турга: автомобилни ишлатишнинг бошланғич даврига ва даврий равишда такрорланиб турадиган техник хизмат кўрсатишга ажратиш мумкин. Бошланғич даврда хизмат кўрсатишлар қисқа оралиқда биринчи хизмат кўрсатиш 2000—3000 километр юргач (1-талон), иккинчиси — 9500 — 10.500 километр (2-талон), учинчиси—19.500 —20.000 километр (3-талон) юргандан кейин амалга оширилади. Даврий равишда такрорланиб турадиган техник хизмат кўрсатиш 20.000 километрдан (4-талон) бошланиб, шундан кейин ҳар 10.000 километрдан сўнг ўтказиб турилиши керак.

Машина харид қилиш вақтида сервис китобчасининг биринчи бетига автомобиль эгасининг фамилияси ва адреси, машина тўғрисидаги маълумотлар (модели, кузови, двигатели ва шоссесининг номери), сотилган вақти, савдо ташкилотининг номи ва адреси қайд этилади. Ҳар бир талон орқасида амалга оширилиши керак бўлган хизмат кўрсатиш ишлари номма-ном саналган. Шу кўрсатмаларга амал қилиш автомобилнинг узоқ муддат ишлашига гаров бўла олади.

«Жигули» автомобили гарантияси ҳақида шуни айтиш керакки Волга автомобиль заводи шиналар, аккумулятор батареялари, хавфсизлик тасмаси ва радиоприёмникдан ташқари, машинанинг ҳамма қисмлари, узел ва агрегатларининг пишиқ ишлашига кафолат беради. Машина харид қилингандан кундан бошлаб 18 ой мобайнида, 20.000 километрдан ортиқ юрилмаган ва автомобилдан фойдаланиш қўлланмасига қатъий риоя қилингандагина гарантия ўз кучини сақлайди. Шу муддат мобайнида завод айби билан ишдан чиққан қисм, узел ва агрегатлар бепул алмаштирилади.

Заводнинг айби билан рўй берган камчиликларни йўқотиш учун автомобиль ёки агрегатни хизмат кўрсатиш корхоналарига транспортировка қилиш зарурати сезилса, «Жигули» эгасига транспорт ҳаражатлари тўланади.

Юқорида айтиб ўтилган талабларга риоя қилинмас экан «Жигули» эгасининг даъвоси қайта кўриб чиқилмайди, даъво ҳужжати қайтариб юборилади.

• ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ МАВЗУ

# Боғдорчилик—томор ширкати аъзоси бўлса

**Ўртоқлик ширкатига бирлашган боғдорлар ва сабзавотчилар йил сайин кўпаймоқда. Ҳозир уларнинг сафида 11 мингдан ор бўлиб, улар ўзлаштирган ер майдони 694 гектарга тенг. Ко асосидаги боғлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни манбаи, оилавий дам олиш базасига айланди. Фақат Тошке ҳозирги пайтда 110 та боғдорчилик-узумчилик ширкати бор.**

**Газетхонлар редакцияга хатлар йўллаб, коллектив боғдорнашиш билан боғлиқ айрим масалаларни тушунтириб берини ти. Газетхонларнинг саволларига Ўзбекистон касаба союзлари ка Советининг агросаноат комплекси масалалари бўйича бўлим қишлоқ хўжалик фанлари кандидати М. РАЗЗОҚОВ жавоб бера**

**Анча пайтдан бери боғдорчилик-томорқа ширкатига аъзо бўлиш ниятидаман. Шу масала юзасидан бир неча марта касаба союз маҳаллий комитетига мурожаат этдим. Лекин у ердагилар бизнинг корхона ер участкасига эга эмас, дейишяпти. Шу масалада тушунтириш берсангиз.**

**Г. ЕЛИЗАРОВ.**

Боғдорчилик ширкатлари корхоналар, муассасалар, ташкилотлар қошида тузилишини айт керак. Агар маъмурият союз комитети боғдорлективи тузиш ҳақида маъқулласалар, ҳатто Совети ижроия комитежой бўйича)га ер ажсўраб мурожаат этилган ер эса маъмурба союз комитетининг ги қарори билан олинган рўйхат асосида тасида участкаларга

**Ширкат правлениеси аъзолари билан менинг ўртамда қатор масалалар юзасидан келишмовчилик пайдо бўлди. Уларни ҳал этиш учун мен қаерга мурожаат этишим лозим? Шунингдек, боғдорчилик-томорқа ширкати аъзоларининг ҳуқуқларн қайси ҳужжатлар асосида тартибга солинади.**

**Ш. АБДУБАКИРОВ.**

— 1982 йилнинг август ойида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг қарори чиққан бўлиб, ишчилар ва хизматчиларнинг боғдорчилик-узумчилик ширкатларининг типовой Устави тасдиқланган. Ширкат аъзоларининг ҳуқуқлари ана шу Уставда белгиланган. Жумладан унда шундай дейиладики, правлениенинг қарорини келишмовчилик дирда ширкат аъзоларимий йиғилиши (конумумий йиғилиш қарохона, муассаса, ташрияти ва касаба союз ёки район ижроия коммурияти ва касаба союз — тегишли шаҳар, обсоюзлари Советигача ри касаба союз органлиши мумкин. Сўнгги қилувчи ҳисобланади. қуқларга келсак, ширумумий йиғилишларда қилувчи масалаларни этишда қатнашиш; шурув органларига сайланиши; ширкат ишини бўйича таклифлар кирга ажратилган участкамева, сабзавот, шунингмаҳсулотдан ихтиёрий нишни мумкин.

**Ширкат аъзолигига киришда имтиёзлар ёки чеклашлар борми?**

**Н. ГЛАЗУНОВА.**

— Боғдорчилик ва томорқа ширкати аъзолигига киришда Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчилари, икки ёки ундан ортиқ болалари бўлган оилалар ли ҳуқуққа эга бўлишчи, хусусий уй-жой қурил томорқага эга бўлган участкаси бўлган уйи олганлар, шунингдек ҳуқуқлари асосида да бўлганлар ёки дала лиш кооперативи аъзолигига қабул қилинадилар.

**Мени онлам билан биргаликда узоқ муддатли командировкага жўнатишяпти. Корхонадагиларнинг айтишича, биз ер участкасини бошқаларга беришимиз керак экан. Шундай ҳолда биз ер участкасидан бутунлай маҳрум бўламизми?**

**С. БОРИСОВ.**

—Ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи бўлинмас ва даҳлсиздир: Ер участкаси фақат ширкат аъзосиники ҳисобланади. Участка ва у ерга қурилган уйнинг оила аъзоларидан бирортаси ширкатдан чиқиб кетса, ер участкаси ва ундаги уй-жой ширкатда қолаверади. Ер участкаси ва ундаги уй-жой ширкатдан чиқиб кетган аъзога ёки унинг меросхўрларига ширкатнинг ўзи ер участкаси ва ундаги уй-жойни сотиб олади. Ер участкаси ва ундаги уй-жойнинг баҳоси ширкат правлениеси ва ширкатдан чиқиб кетаётган аъзо ёки унинг меросхўрлари ўртасида келишилган ҳолда белгиланади. Агар келишилмаган тақдирда баҳо масаласи суд тартибида ҳал этилади.

**Мен боғ участкамда ўз кучим билан уй қуриш ниятидаман. Бунда уруш қатнашчиларини бинокорлик материаллари билан таъминлашади деб эшитдим. Шу тўғрими?**

**Х. МУРТАЗИН.**

— Ўртоқлик ширкати аъзолари ўзларига ажратилган участкаларда хусусий мулк ҳуқуқлари асосида типовой лойиҳа асосида қуйидаги иморатларни қуришлари мумкин: умумий майдони 25 квадрат метргача бўлган, айвони 10 квадрат метргача бўлган боғ уйи, хўжалик буюмлари, ертўла; майдони 15 квадратгача бўлган парник, 2,5 метргача бўлган душхона, аъзолари уч минг сўм бошқа ҳеч нима билан қурилиш материаллари минланмайдилар.

**Биз дала ҳовли олган эдик, лекин уни ўзлаштиришни кечиктириб юбордик. Бу ҳолат аъзолигидан чиқарилишга сабаб бўладими?**

**А. РАҲИМОВ.**

— Агар участка белгиланган муддатда ўзлаштирилмаган бўлса, ширкат аъзоси ундан чиқарилиши мумкин. Агротехника тадбирларини мунтазам бажармаслик, ишлатилган ишлаш; умумий йиғилишда ган пул взносларини бош тортиш; ички тартибларни бузиш; жиноят содир ёки меҳнат интизомини носабати билан ишдан участкани ўзбошимчалик бошқа шахсга (тўла ёки бериш; коллектив бошқалистик тўсиқ қилиш, тазам бузиш ҳам ширкатдан рилишига сабаб бўлиши

**Мен ўзимга ажратилган участкада товуқ боқиш ниятидаман. Лекин қўшниларим қаршилик кўрсатишяпти. Шу ҳақда қандай қонда бор?**

**БРЯНЦЕВА.**

— Боғдорчилик ширкати аъзолари ўз участкаларида (ўралган жойда) 20 бошга яқин қўён — 4 та болалари бўлари —5 тагача уя, ғуруч — 5 бош болалари билан лари мумкин. Бунда зоотехсанитария қоидаларига мариоя этиш ва қўшни участларнинг нормал дам олиминланмоғи лозим.

**Боғдорчилик-томорқа участкалари территориясида электр, асфальтлаш, сув таъминоти ўтказиш масалаларини ким ҳал этиши керак?**

**В. МОЛЧАНОВ.**

—Ўртоқлик ширкати правлениеси ўз аъзоларидан — агротехника, хўжалик-қурилиш, маданий-маиший, молиявий ва бошқа комиссиялар ташкил этади. Булар правление дирда правление асосида ширкат нинг умумий йиғилиши ференцияси) қарори билга аъзо бўлишда имтиёз вафот этган кишининг мерридан бирига берилади. йиғилиш (конференция) асосида правление мерос дан кейин олти ой мобатоқлик ширкати аъзолигажатларни расмийлаштиради

**Участка эгаси вафот этган тақдирда ўртоқлик ширкати қандай йўл тутади? Участка онларнинг бошқа аъзоларга берилиши мумкинми? Унинг ўтказилиши қандай расмийлаштирилади?**

**ТАГИЕВлар онласи.**

— Боғдорчилик-томорқа ширкати аъзоси вафот этган тақ-

**Бизни боғдорчилик-томорқа ширкатига киришни таклиф этишди. Аъзоликка кирсак, нафақа ёки қарз берилиши мумкинми?**

**С. ИВАНЧЕНКО.**

— Боғдорчилик ширкати аъзоларига боғ уйлари харид этиш ёки қуриш ва участкани обод қарзнинг миқдори 3 минетказилган бўлиб, уни дати ўн йилгача узШуни ҳам айтиш керакни узиш уни олингандан учинчи йилдан бошланади

• ФАКТ ВА ШАРҲ

# ШАҲСИЙ ПЕНСИОНЕРЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

**Мен маҳаллий аҳамиятга молик шахсий пенсияга чиқдим. Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи унвони ва «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланганман. Партия стажим 37 йил. Мен каби пенсионерларга қандай социал имтиёзлар берилиши тўғрисида маълумот берсангиз.**

**С. ЯМИНОВ.**

— СССР Министрлар Советининг 1977 йил 17 декабрдаги Қарорига мувофиқ, шахсий пенсионерларга иссиқлик, сув, канализация, газ ва электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашда 50 процент скидка қилинади. Ўзлари биркитилиб қўйилган поликлиникаларнинг врачлари ёзиб берган рецептлари бўйича дориларни нархининг 20 процентн миқдорида ҳақ тўлаб олишади.

Партия стажи 30 йилдан кам бўлмаган шахсий хизматлари учун пенсия олувчи шахсий пенсионерларга бир йилда бир марта темир йўл транспортида (бориш ва келиш) бепул юриш, турар жойида шаҳар транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилган.

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

4 МАЙ. 1984 й.

**Р. ВАСИНА,**
**Тошкент шаҳар социал таъминот бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**

# ОИЛА

## даврасида суҳбатлар

• *Педагог ўйлари*

## ЕТУК ИНСОН ЕТИШАДИ

**«Мен ота-онам билан фахрланаман» мавзусидаги ёзилган иншоларни йиғиб, бирма-бир кўз югуртириб чиқдим: (иншоларга исм ва фамилия қўймай ёзавернинглар деган эдим). «Ота-онам ҳақида ёзиш мен учун нақадар оғирлигини билсангиз эди, азиз ўқитувчим,— деб бошлади ўз иншосини бир ўқувчи. — Очиғи, мен уларни таниймайман. Улар вафот этишганми, дерсиз. Йўқ, улар ҳаёт. Лекин мен учун... Ёшлигимда мени Кутбк аям асраб олган эканлар. Тақдирим жуда аччиқ бўлди. Утган йили энг яқин кишим — Кутбк аямдан ҳам айрилдим. Ҳар якшанба куни бориб уларнинг қабрлари устида йиғлаб_йиғлаб келаман».**

**Мен ишодаги ҳарфларни солиштириб, ўнинг Одил деган ўқувчимнинг эканлигини билганимда азойи-баданим жимирлаб кетди. Наҳот Одилнинг юрагида шунча алам, ситам бор эканлигини сезмабман. Ахир, ўзи ҳам ота-она бағрида ўсган-ку, унинг қалбига қулоқ сола олмабман. Гоҳо шўхлик қилса қойинганман, ҳафа ҳам қилганман. Иншо темасини танлашда наҳотки шуларни ўйламаб, мурғак қалб ярасини тирнабман!..**

**Мана, иккинчи иншодаги айрим жумлалар: «Отам эсимда, кўп йил балиқчилик қилиб мукофотлар олганлар. Съездга қатнашганлар. Мен ҳам бир неча марта отам билан балиқ овлашга борганман. Балиқ овлаш жуда завқли бўлар экан. Отам: «Ўғлим, бу омаддан»,— деб катта балиқлар илинса шошиб қолардилар. Отамни шу ҳолда кўриш менга жуда ёқар эди.**

**Отам ҳозир тўшакда ётиб қолганлар. Лекин бизга асло оғирликлари тушмайди. Дом ширин сўзлайдилар. Шунинг учун улар билан тўйиб-тўйиб гаплашгим келади. Улар дом: «Болам, илмда ҳикмат кўп. Ёшлигингда ўқи, ўрган, ҳунарли бўл», дейдилар. Ишқилиб отам соғайиб кетсинлар-да...» Бу иншони Баҳодир ёзган. У ота-онаси меҳридан беҳад мамнунлигини тўлқинланиб ёзган.**

**Учинчи иншони кўздан кечиряпман: «Дадамни ўтган йили ресторанга бошлиқ қилиб кўтаришди. Аввалига севиндик. Ойим бўлсалар: «Бекор қилишди. Узларининг ишлари дуруст эди», деб ўкланиб қолдилар. Энди билсам ҳақиқатан онам тўғри ташвишланган эканлар.**

**Дадам шу кунларда жудаям ўзгариб кетганларки, ишдан келишлари билан ҳаммамизга сичқон ини минг танга бўлади, кўзларига кўринмасликка ҳаракат қиламиз. Узларидан-ўзларимиз ҳаммамизни уришиб ташлайдилар. Лекин ишхонада жуда ширин сўз эмишлар... Уйимизда ҳамма нарса етарли, лекин нимадир етишмаётгандай туюладп...»**

**Бу иншони дом ҳаёл суриб, бошини қуйи солиб ўтқарадиган Мастура ёзган. Унинг отасини ҳам, онасини ҳам яхши танийман. Чиндан ҳам Абдураҳмон ака онла аъзоларини дом қон қақшатади, болаларининг дилига озор беради.**

**Йўқ, бундай эмас. Бола қалби меҳрга, ардоқлашга, авайлашга дом муҳтож бўлади. Ғунча қанча авайланса, шунча чиройли очилади. Бола ҳам шундай. Ёшлигидан яхши гап, яхши тарбия, яхши ахлоқ билан тарбияланса, ундан гўзал инсон етишиб чиқади.**

**Биз юқорида баён қилинган иншоларда уч хил дард бор: бирида ғамгинлик, бирида ишончсизлик, бошқасида нафратланиш туйғулари бор.**

**Ўз фарзандларн ҳаёлини ғамгин қилган ота-она — тошбағир бўлади. Болада нафратланиш туйғусини уйғотса, демак у ота-она ўз инсонлик бурчини бажаролмаяпти, дейиш керак. Фарзандларининг оҳини озода қилмай тарбия берган, қалбида фахрланиш ва лаззатланиш ҳис-туйғусини бир умрга уйғотган ота-она чинакам олижаноб инсондир.**

**Бола боғча ва мактабда тарбия, илм-фан ўргангани, лекин у асосий таълим_тарбиянн дастлаб онлада олади. Шу маънода ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида жуда қимматли фикрларни айтиб ўтди: «Мактабнинг роли нақадар катта бўлмасин, аммо усувчи инсонни унинг ўзигина тарбияламайди. Характерининг асослари, илк ҳаётий йўл-йўриқларга онлада негиз яратилади. Мактаб бир нарсани ўргатса_ю, онла бошқа нарсани ўргатса, бундан хушлик чиқмайди...»**

**Оила, мактаб ва кенг жамоатчилик бола тарбиясига мхлос билан, қунт-сабот билан эътибор берса, уларда дом яхши характерлар шакллантириб борилса, жонажон Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимиз талаб этгандек, етук инсонни камол топтирамиз, бу билан тарбия соҳасидаги шарафли меҳнатимиздан фахрланамиз.**

**Қ. АБДУЛЛАЕВА,**
педагогика фанларн кандидати.

• ЯХШИ ХИСЛАТ—ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТ

## Она — мўътабар сиймо

Бир донишманднинг шогирди устозидан: «Иззат ва ҳурматга эга кўп лойиқ бўлган зот ким? —деб сўрабди. Устози «Она» деб жавоб берибди. Шогирди яна: «Ундан кейин ким?» деб сўраганида, устози, «Она» деб жавоб қайтарибди, учинчи марта тағин шундай саволга «Она» деб такрорлабди. Шогирди тўртинчи марта: «Ундан кейин_чи» деб сўраганида, устози: «Ҳа, ундан кейин ота» дебди.

Нима учун шундай экан, деб жуда кўп ўйландим. Ахир: «Фарзанд учун энг улуғ киши ким?» деган саволга донишманд: «Она-отанг» дейиши ҳам мумкин эди-ку. Аммо донишманд ҳақ экан. Мана бир кўз олдингизга келтиринг-а. Биринчидан, йўқ жойдан инсонни вужудга келтирган — она! Иккинчидан, ўз жисмида мурғак қалбни авайлаб тўққиз ой ўстирган. Учинчидан, фарзанд дунёга келаётган чоғдаги азоблар-чи! Тўртинчидан, кечалари мижжа қоқмасдан узоқ тунларни тонгга улаганлигичи! Бешинчидан... эҳе уларнинг фарзандларига қилган хизматларини санашнинг ўзи мушкул!

Шундай экан онажонларимизни зарра бўлса ҳам ранжитишга ҳаққимиз йўқ! Оналар бағрининг кенглигини, мусаффолигини нимага ўхшатиш мумкин? Таърифи йўқ, тенги йўқ, баҳоси йўқ!

Лекин онда-сонда баъзи ёшлар ўртасида онани ранжитиш ҳоллари рўй бериб туради. Ноўрин кўз ёшларига, изтироб, азоб чекишларига сабабчи бўлиб қоламиз. Ёки қартайиб қолганларида ҳол_аҳволларидан хабар олмаймиз. Танишларимдан бири сўрашганда «Онангиз қандайлар?» десам, «иш кўплигидан» кўра олмаганлигини айтиб қолди. Суҳбатдан маълум бўлдики, онасини кўрмаганига бир йилча бўлиб қолибди. Аммо у ўзини оқлаш учун у-бу нарса, пул юбориб турганлигини айтиб қолди.

Яқинда Тошкент халқ хўжалиги институти дарвозаси олдида бир аёл менга шу институтда ўғли ўқиётганлигини, уни кўргани Бухородан келганлигини айтиб қолди. Ўғли ўқиётган факультетни сўраб, денаканатга олиб бордим. Йўл-йўлакай бўлиб ўтган суҳбатдан онанинг ҳаяжонланаётганлиги сезилиб турарди. Мен онага тасалли бериб: «Ўғлингизни ҳозир топамиз. Сиз ҳеч ташвишланманг», деб кўнглини кўтардим. Аммо онанинг изтироб, алам чекаётганлиги юзидан сезилиб турарди. Онага ёрдам бериб, тезда ўғлини сўраб-суриштириб топдик. Она уни бағрига босиб: «Бунча соғинтирмасанг, ўғлим, бир энлик хат ёзсанг нима қиларди» деб кўзлари ёшланди. Албатта, бизни бу бемеҳр фарзандининг ҳулқи_одоби ўйлантириб қўйди. Онанинг айтишича, август ойидан бери ўғли на хат ёзган, на хабар берган. Биз юқорида «бемеҳр» дедик, балки қаламимизга эрк бериб, ошириб юборгандирмиз. Аммо бошқа нима ҳам дейиш мумкин? Лоқайд дейликми? Лекин бу лоқайдлик онайизорга қанчалаб азоб, изтироб келтирганлигини билармикан? Лоқайд бу студентнинг ўқиши, жамоат ишларида қатнашишини текшириб кўрдик. Ўқишлари ҳам ўлда_жўлда, сессия яқинлашиб қолаётганлигига қарамасдан, ҳамон бир неча фанлардан «қарзи» бор экан. Кейинчалик биз бу студентнинг ҳулқини, онажонисидан хабар олмаганини ўзаро муҳокама қилиб, унга маслаҳатлар бердик. У кўпчиликнинг бу танбеҳидан ўзига хулоса чиқариб олди.

Шуни ҳеч қачон унутмайлик. Она—муқаддас! Она— азиз ва мўътабар сиймо! Она улуғлик, гўзаллик, донолик тимсоли! Она ҳаёт чашмаси, ана шу чашмадан фарзандлар бутун эзгуликни, олижанобликни, умуман инсонийликни шимириб, чанқоқликларини қондирадилар.

**М. УСМОНОВ,**
**Халқлар Дўстлиги орденли Тошкент халқ хўжалиги институти КПСС тарихи кафедрасининг катта ўқитувчиси, тарих фанлари кандидати.**



• СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

## ГАЗЛИ БОЛАЛАРИ МЕҲР ОҒУШИДА

Вокзал перронида оркестр ижро этаётган тантанавор музика оҳангига баҳор шабадаси ҳамоҳанг бўляпти. Ўзбекистон пойтахтининг жамоатчилик вакиллари Бухоро —Тошкент поездида Газлидан келган 679 ўқувчи ва 49 педагогни самимий кутиб олди.

Ёш газлиликлар вокзал перронида кутиб олаётганлар билан қизиқиб таништишди. Улар ҳалн «Октябрь 10 йиллиги» пансионатида истиқомат қилишларини билишмас эди. Бу оромгоҳда уларни кутиб олишга ҳамма нарса муҳайё этилган. Ҳамма нарса жой-жойида, бутун оромгоҳ ораста ва файзли. 32 гектарлик боғ, спорт комплекси, дарс тайёрлайдиган қўша-қўша хоналар болалар ихтиёрига бериб қўйилди. Улар 13-мактабда ва интернатда таълим олишяпти.

Ошхонада болалар учун дуркун сабзавотлар, мевалар, сут-қатиқлар, ранг-баранг таомлар тайёрланяпти. Болаларнинг ота-оналари учун бу оромгоҳнинг путёвкаларн бепулдир. Чунки унинг пулини касаба союзлар тўлаб қўйган. Бундан ташқари Газлидаги 160 юқори синф ўқувчиси ҳам Артекда бепул ўқимоқда ва дам олмоқда. РСФСР, Украинанинг областларидан болаларни дам олишга юборишн ҳақида кўплаб телеграммалар олинди.

Бизнинг мамлакатимизда болалар ғоятда эъзозланади. Улар чексиз ғамхўрлик, саҳоват қўёшн нури остида яшайдилар. Ташвиш юз берганида бутун мамлакат фарзандларни ўз бағрига олади. Уларнинг бошини меҳрибонлик билан силайди.

О. ФЕДОРЧУК,

* * *

Суратларда: ёш газлиликлар ана шундай ўқишмоқда ва ором олишмоқда.

Л. Гусеинов фотолари.





• *Ажойиботлар оламида*

### Сиздан уғина...

**Колумбиянинг тропик районларида унча катта бўлмаган баррасанта деб аталувчи дарахт ўсади. Ўсимлик ниҳоятда кўркам, жилоли, фусункор: танаси сабзаранг, уни бутунлай лаълн_алвон рангли гуллар ўз оғушига олгандай қуршаб турадн. Қизиғи шундаки, киши бу ажабтовур ўсимликнинг бирорта гулини ушлашга ёки узиб олишга ботина олмайди. Мабодо унга теккундек бўлсангиз, баррасантанинг шох ва поясндан тажаввускор чумолилар тизилишиб, «лашкар тортиб» келишади_да, дарахтга озор берган ёки безовта қилганларни шундай талашадики, қочганн жой тополмай қолассз.**

**Ҳа шундай, ўсимлик кўркини чумолилар ардоқлаб сақласа, дарахт эса ўз навбатида чумолилар учун сўлим ошнён беради.**

### Ҳавас қилса арзийди

**Колумбиянинг ғарбий қисмида бир бута ўзининг хислати билан ажралиб туради: унинг қизиқ табиати бор, у ҳам баррасанта каби «чумолипарвар» ўсимликдир. Ўсимлик ўзидан асалнн эслатувчи татимли шарбат чиқариб, танасини қоплайди. Мазкур бутага ҳеч қандай ҳашарот ва зараркунандалар озор бершга ожизлик қилади. Чунки ўсимликка бирорта бегона ҳашарот чиқадиган ёки учиб келадиган бўлса ёпишиб қолади, бошқа зараркунандалар эса, ўсимликда мавжуд бўлган чумолиларнинг тўзғитиб юборишдан хавфсирайди.**

### Уни муз ҳамроҳи дейдилар

**Қизиқ, совуқ муз десангиз одамнинг эти жунжикиб кетади, муз, совуққа аксарнат ўсимликлар ҳам рўйхуш бермайди. Бироқ Жунгар Олатау тоғларидагн музликларда соссюрея деб номланувчи нафис кўркам гул ўсади. Одамни ҳайратга соладиган нарса шундаки, бу ўсимлик фақат тог музликларнни ўзига ошнён деб биладн. Ўзи мурғак бўлишига қарамасдан соссюрея совуқнинг аёзида ҳам ўз гулини намойиш қиладн. Мардонавор ўсимлик сайёрамизнинг энг тўнғич, қадимий ўсимликларидан ҳисобланадн.**

## САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

## ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНГАН АСАРЛАР

Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи бадиий фондининг экспериментал ижодий литография устахонаси республика юбилейини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик ишларини қизғин давом эттирмоқда. Республика халқ рассоми, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотн лауреатн Қутлуғ Башаров бадиий раҳбарлигида устахонада таниқли рассомлар юбилейга бағишланган асарлар яратишяпти. График рассомлар — Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари М. Қагаров, В. Апухтин, шунингдек, Л. Даватц, Г. Ким, И. Воҳидов, А. Ли, Н. Пак ва бошқа графика усталари яратаётган асарларда замондошларимиз образлари, ўзбек замини табиати ва меҳнаткаш киши_лари сиймоси тасвирланган. Рассомлар яратаётган тарихий, жанрли композиция_лар, эстамп асарларида жонажон ўлка табиати ранг-баранг ижодий услубларда гавдалантирилган.

**Суратда: М. Кагаровнинг «Уруш даврида Москва» эстампи.**



## ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ НАШРЛАРИ

«Китоб санъати» Бутуниттифоқ конкурсига якун чиқарилди. Таниқли график рассом, СССР Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси, СССР халқ рассоми, СССР Давлат мукофотн лауреати О. Верейский раҳбарлигидаги жюри Ўзбекистон нашриётлари томонидан конкурсга тавсия этилган бир қатор нашрларни кўриб чиқиб, энг яхши китобларни анъанавий дипломлар билан мукофотлади.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати рассом Виктор Апухтин 1983 йили Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган Алишер Навоийнинг «Маҳбуб—ул_қулуб» асарига ишлаган безаклари учун конкурснинг махсус дипломи ва СССР Рассомлар союзининг мукофотн билан тақдирланди.

Сергей Соин «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган А. Абдураҳмоновнинг «Муҳаммад ибн Мусо Ал-Хоразмий — буюк математик» китобига ишлаган безаклари учун иккинчи даражали диплом билан мукофотланди.

«Фан» нашриёти томонидан чиқарилган Деҳлавий асарларига ишланган миниатюралар альбомини эса жюри учинчи даражали диплом билан тақдирлади.

«Китоб санъати» йиллик Бутуниттифоқ конкурсининг лауреатлари бўлган республикамиз рассомлари ва полиграфиячиларнинг ижодига берилган бу юксак баҳо Ўзбекистонда китоб чоп этиш санъати тобора юксалиб бораётганлигидан далолатдир.

## МУКОФОТ МУБОРАК!

СССР Халқ Ҳўжалиги Ютуқлари кўргазмасининг бош комитети тошкентлик таниқли график рассом Алексей Сухаревни «Ўзбекистон» нашриётида чиқарилган «Коммунистик партия манифести» китобига ишлаган безаклари учун кумуш медаль билан мукофотлади.

А. Островский номли Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини битирган А. Сухарев кўп йиллардан буён республикамиз нашриётларида чиқарилаётган снёсий адабиётларни рангбаранг чизгилар билан безаб келмоқда. У доҳиймиз В. И. Ленинннг «Марксизмнинг уч манбаи ва уч таркибий қисми», «Ёшлар союзининг вазифалари» каби асарларига ҳам безаклар ишлаган. Улар республикамиз ва республикалараро «Китоб санъати» конкурслари жюрисининг махсус дипломлари билан тақдирланган.

**О. ТОШПЎЛАТОВ.**

## ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМ

«Ўзбекфильм» киностудияси ижодкорлари «Акмалнинг янги саргузаштлари» деб номланган картина устидаги ишларни ниҳоясига етказишди. Лев Аркадьев сценарийси асосида фильмни режиссёр Юрий Степчук суратга олган.

— «Акмалнинг янги саргузаштлари» картинаси «Акмал, аждаҳо ва малика» фильмининг давоми бўлиб, янги картина қаҳрамони ҳам Акмалдир дейди, — режиссёр Ю. Степчук.

Фильм қизиқарли саргузашт воқеаларга бой. Акмал ролини мактаб ўқувчиси Суқрот Сулаймонов ижро этган. Фильмда Ўзбекистон ССР халқ артисти Ирода Алиева, актёр Ҳайрулла Саъдиев ва Воҳид Қодировлар ранг-баранг образлар яратишган. Кичкинтойлар учун ажойиб совға бўладиган янги картина тез орада экранларга чиқарилади.

**Суратда: янги фильмдан кадр.**



## МУЗИКА БАЙРАМИ

БУГУН

пойтахтимиздаги Билимлар уйида «Жаз—84» деб номланган музика байрами бошланди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, республика Композиторлар союзи, Ёшлар уйи, Билимлар уйи ва республика жаз клуби томонидан ўтказилаётган ана шу маданий тадбирда мамлакатнинг турли шаҳарларидан Тошкентга келган 20 дан ортиқ жаз коллективлари иштирок этмоқда. Рига, Новосибирск, Олмаота, Чимкент, Куйбишев, Фарғона, Андижон ва бошқа шаҳарларнинг жаз коллективлари уч кун мобайнида республика Билимлар уйида ўз санъатларини намойиш этадилар.

Пойтахтимиз музика ҳаётида муҳим воқеа бўлган ана шу санъат байрамида мамлакатнинг машҳур жаз коллективлари қатори Ҳамза номидаги Тошкент музика билим юртининг коллективи ҳам қатнашмоқда. Театр ва рассомлик санъати институтининг «Дипломант», республика Пионерлар саройининг «Гунча» болалар ансамбли, шунингдек, Тошкент шаҳар замонавий жаз ансамбли ҳам ўзининг янги программаси билан томошабинларни хушнуд этади. Жаз байрами кунларида шаҳар жаз клуби томонидан фотокўргазмалар, учрашувлар, суҳбатлар ташкил этилади. Ҳеч шубҳасиз, музика маданияти ривожида муҳим роль ўйнайдиган бу ўзига хос санъат байрами тошкентлик жаз музикаси мухлислари ва жаз кунлари қатнашчиларига катта қувончлар бахш этади.

**В. САФАРОВ,**
**республика жаз клуби советининг аъзоси.**

## ХАНДАЛАР

**МЕНДАН АВВАЛГИ**

Ошонадаги «Спиртли ичимликлар ичилмасин» деб ёзилган эски ёзувни ўкиган хўранда ошпаздан сўради:

— Ука, анови ёзувни ким ёзган?

— Мендан аввалги ошпаз ёзган эди.

— Ўзим ҳам шундай бўлса керак деб ўйлодим.

**КИМ УРАРДИ**

— Ўғлим, нега укангни йиғлатиб, яна урмадим деб ёлғон гапиряпсан?

— Унинг олдида мендан бошқа ҳеч ким бўлмаганда кейин ким ҳам урарди?

**ГАПНИНГ РОСТИ**

Ошпаз бир хўрандадан сўради:

— Бугунги овқатимизнинг мазаси ҳақида нима дея юласиз?

—Гапнинг рости биродар, бировни ҳафа қилгим келмайди.

**С. САЙДУЛЛАЕВ.**

• ОЛИМЛАР ИЗЛАНИШИ

## МАТЕРИЯ ИЧКАРИСИГА

Ўзбекистонлик олимлар материя тараққиётн фундаментал негизларини билишда янги бир сарҳад очдилар. «Сирли» кварклар нинг ички хусусиятларн аниқлади. Физикларнинг фикрича, кварклар атом ядроси вужудга келтирувчи элементар зарралардир. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясн физика-техника ва физикаси институтларининг мутахассислари бунн аниқладилар. Чунончи ҳали ҳеч ким эркин ҳолдаги кварклар_ни пайқашга муваффақ бўлолмаган.

— Шундай бўлганида ҳам биз жуда ҳайрон қолган бўлар эдик, — дейди физика_техника институти юксак энергиялар физикаси лабораториясининг мудири, физика_математика фанлари доктори К. Ғ. Ғуломов. — Нега дейсизми? Сизга тушунарли бўлиши учун физика дарсликларида баён қилинган машҳур Магдебург тажрибасини эслатиб ўтаман. Жуфт қилинган икки палла шарни учтадан олтита от бир-биридан ажратмоқчи бўлиб ўрнинганн билан натижа чиқмайди. Чунки шар ичидаги ҳаво тортиб олинган эди. Бир жуфт кварк билан шундай тажриба ўтказиб кўрилганда уларни ажратиш учун 10 тонна куч керак бўлади! Лекин ажратганимиздан сўнг ҳар бир паллаининг яна бўшлиқдан олинган эгизи пайдо бўлганлигини кўрардик. Бошқача қилиб айтганда кварклар шундай тузилганки, улар ёлғиз, эркин ҳолатда туролмайди.

Лекин материянинг шундай асосий «ғиштлари» бўлганида ҳам улар, масалан, атом ядроси ичидаги модда билан ўзаро таъсирда бўлиб, ундан аллақандай парчаларни «уриб чиқариши» керак. Олимларнинг шу тахминни эксперимснтал текширнб кўрмш мумкин бўладн. Бу нарса кварклариинг хоссаларнни ўрганишга имкон берди.

Шунда кўзимизга қизиқарли ҳодиса кўринди. Ядро ичида ҳамма кварклар эмас, балки тамомила шаклланиб бўлганларигина ўзаро таъсирга кирншар экан. Бундай кварклар суст кварклар деган ном олди. Тез кварклар ҳам бор. Бундай зарралар ядро орасидан кичик ўқ сингари «учиб ўтадн» ва улар учун ғов йўқ. Лекин улар бошқа кварклар билан тўқнашиб ядро ичини тўс-тўполон қилиб юборади. Физиклар ҳатто шу аралашмага ядро «шўрваси» деган ном ҳам бердилар.

Олимлар бошқа материянинг ҳам фактнн ҳам аниқладилар. Кварклар қандай вазиятда вужудга келганлигидан қатъий назар, бошқа элементлар зарралар билан ҳам ўзаро таъсирга кирнша олиши мумкин экан. Бу хулоса ҳозирги замон физикасининг фундаментал тушунчаларидан бирн — кучли ўзаро таъсир назариясини анча тўлдиради.

Ўзбекистонлик олимларнинг тадқиқотларн натижасида ядрода кварклар иштирокида ўтадиган жараёнларнинг умумлаштирувчи манзараси ҳосил қилинди. Шу манзара кўпгина фараз ва назарнялари танқидий кўриб чиқишга ҳозирги замон юксак энергиялар физикасининг янги истиқболли йўналишларини белгилаб олишга имкон берди.

Тошкентлик физиклариинг тадқиқотлари Дубна, Москва, Ленинград илмий муассасаларида, шунингдек чет эллардв кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Ўзбекистонда физика фанининг шу соҳасидаги илмий-тадқиқотлар урушдан кейинги йилларда бошланди. Шу вақт ичида Тошкентнинг ўз мактаби вужудга келди. Ҳозирги вақтда унинг шу мактаб вакиллари Т. Ғуломов, А. Йўлдошев, Г. Чернов, Б. Йўлдошев, М. М. Мусахонов материя тараққиёт асосларнни билишда яна бир жумбоқни очиб берадиган янги бир қадам қўйдилар. Улар физиканинг энг мурақкаб бўлимлари соҳасидаги ишлари туркумн учун фан ва техника соҳасидаги А. Беруний номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотига сазовор бўлдилар.

**С. ФИОЛЕТОВ,**
**[ЎзТАГ]**

## СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

### ЦИТОПАННИНГ ҲОСИЯТИ НИМАДА?

**Венгер нонвойлик саноат мутахассислари сут кислотаси ва бугдой унидан тайёрланган махсус порошокни ҳамирга қўшишнн таклиф этиб чиқдилар. Уни цитопан деб аташди. Цитопан ёпилган нонни пишириш жараёнини анча тезлаштиради, нонниинг таъмини яхшилайди, унн сақлаш муддатини узайтиради. «Хунгаро пресс» бюллетенининг хабар беришича Скандинавия ва Яқин Шарқдаги бир қатор мамлакатларнинг нонвойлари цитопанга катта қизиқиш билан қарамоқдалар.**

### ТРОЛЛЕЙБУСГА НИМА ЕТСИН!

**Америка транспорт бошқармасн ниҳоят троллейбуснинг яхши транспорт воситаси эканлигига тўла иқрор бўлди. Ҳукуматнинг ана шу бошқармасн тайёрлаган сўнгги докладларидан бирида айтилишича, троллейбус шаҳар транспортида муҳим ўрин тутади ва вақти келиб унинг роли жуда ҳам ошади. Чунки троллейбус ҳавонн заҳарли газлар билан ифлослантирмайди ва ўрнрик шаҳарлар шароитида у ншончли ҳаракат восита-сндир.**

### ҲАЙРАТЛАНАРЛИ ХОТИРА

**Бухарест спорт ва маданият саройининг ижодкорларидан бири бўлмнш 47 ёшли инженер Мирче Стоенеску кишн ҳайратланарлн даражадаги хотирага эга. У бир вақтнинг ўзида бир-бири билан боғлиқ бўлмаган 250 дан 300 тагача бўлган сўзларни эслаб қолиб, кейин уларни унга қандай айтилган бўлса шундай ҳолда кетма-кет айтиб бераолади, деб ёзади «Руминия» журнали.**

### ГАП ЁШДА ЭМАС

**Италиянинг Таурнанов шаҳрида истиқомат қилувчи Мария Роза Тоскано унн соғлиқни сақлаш бўйнча жамоатчилик советн аъзолигига сайланишн муносабати билан билдирган қутловларнн қабул қилиб олар экан янги вазифада бутун куч_ғайратнни сарфлаб ишлашга въада берди. Унинг қисқа нутқнни тўпланганлар гулдурос қарсаклар билан қутиб олдилар. Бунинг боисн шундаки правленнеининг янги бу аъзоси яқинда ўзининг юз ёшини нишонлаган эди.**

### БЕШ ОЙЛИК ЁНҒИН

**Индонезиянинг Борнео оролида 5 ойдан бери давом этаётган ёнғин 3,5 млллион гектардаги тропик ўрмонларни йўқ қилиб ташлади. Торф ва қўмирларнинг табиий запасларн қўшилиб ёнаётганн ёнғинни ўчирнш имконини бермаётир. Мутахассисларнинг ҳисоблашича, бу ёнғин кейнигн 70 йил мобайнида оролда юз берган энг йирик экологик фалокатлардан бирндир.**

### СОХТА БИЛЕТ ТАЙЁРЛОВЧИЛАР


**Италия пойтахтида автобус билетларн ишлаб чиқарадиган бир группа жиноятчилар мавжуд. Шаҳар автобусида бнлет нархнинг оширилишига қарамасдан, сўнгги ярим йил мобайнида транспорт_дан тушадиган маблағ йигирма процентга камайиб кетди. Мутахассисларнинг фикрича ҳозирги кунда автобусда сотнладиган билетларнинг бешнчиси — қалбакидир. Рнм полнцияси қанча ҳаракат қилмасин, қалбакн билет тайёрловчилар ҳали қўлга тушганларн йўқ.**

### УЙ ҲАЙВОНЛАРИГА «БОЙ» МАМЛАКАТ

**Германия Федератив Республикасида одамларга қараганда бир мунча кўп уй ҳайвонларн ҳам яшайди. Статистика ҳнзматчиларн бирнгина аквариумда боқилаётган балиқларнинг ўзи 60 миллионга, яъни мамлакат аҳолиси сонига деярли яқин эканлигини ҳисоблаб чиқдилар. Бундан ташқари федерал гражданларн 6,3 миллионта қуш, 3,5 миллионта мушук, 3,3 миллионта нт ва 2,2 миллионта кемирувчилар— юмроқоқозиқ, қўён, денгиз чўчқаларини уйларида боқишар экан.**

3 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ

4 МАЙ, 1984 й.



*• Карл Маркс туғилган куннинг 166 йиллигига*

# Буюк доҳий, гениал олим, ажойиб инсон

**Бугун ишчилар синфининг буюк доҳийси, гениал олим, илмий коммунизм назариясини яратган ажойиб ва самимий инсон Карл Маркс туғилган кунга 166 йил тўлди. Энгельс башорат қилганидек, вақт — энг жиддий ва одил судья —Маркс таълимоти инсониятнинг тарихий тақдирига тобора кучлироқ таъсир қилаётганлиги тўғрисида янгидан-янги далиллар келтирмоқда. Марксизм буюк ва ҳаётий таълимот бўлиб, у XIX асрнинг энг улуғ кашфиёти бўлди. Философияда, сиёсий иқтисодда, тарих фанида, социалистик фикрнинг ривожланишида чинакам революция бўлди. Маркс яратган таълимот барҳаёт, ижодий таълимотдир. У ҳаракат учун қўлланмадир.**

**Олим сифатида Маркс ўз замонаси фанининг чўққисини эгаллаган эди. Айтишларича, унинг ноёб билими қаршисида ҳатто муҳолифлар ҳам ҳурмат билан бош эгишга мажбур бўлганлар.**

**Марксни яқиндан билган кишилар эса унинг буюк даҳосига, энциклопедик билимларига жуда ҳайрат билан қараганлар.**

...Мен Россияни, унинг ички ва ташқи аҳволини Маркс каби яхши билган ҳеч кимни билмайман.

ЭНГЕЛЬС.

●

Маркс таълимотида энг асосий масала социалистик жамият бунёдкори бўлган пролетариатнинг жаҳоншумул-тарихий ролини аниқлаш масаласидир.

●

Марксниинг бутун назарияси тараққиёт назариясини жуда изчил, мукаммал, яхши ўйланилган ва мазмунга бой бўлган формасида— ҳозирги капитализмга татбиқ қилишдан иборатдир. Табиийдирки, Марксниинг олдида бу назарияни капитализмнинг бўлажак ҳалокатига ҳам, келгуси коммунизмнинг келгуси тараққиётига ҳам татбиқ қилиш масаласи турар эди.

●

... Марксниинг бутун генийлиги шундаки, у инсониятнинг илғор мутафаккирлари қўйган саволларга жавоб берди. Унинг таълимоти философия, сиёсий иқтисод ва социализмнинг энг буюк намояндалари таълимотининг тўғридан тўғри ва бевосита давоми тариқасида пайдо бўлди.

●

«Коммунистик партия манифести» асарида янги дунёқараш, яъни ижтимоий ҳаёт соҳасини ҳам ўз ичига олган изчил материализм, тараққиёт тўғрисидаги энг мукаммал ва чуқур таълимот бўлган диалектика, синфий кураш назарияси ва янги, коммунистик жамият ижодчиси бўлган пролетариатнинг оламшумул-тарихий революцион роли доҳиёна бир суратда аниқ ва равшан баён этилган.

●

«Капитал» асарида «юракдан айтилган гаплар» шу қадар кўпки, қолоқ назарялар намояндаларига қарши, авторнинг фикрича, жамият тараққиётига тўсқинлик қилаётган ижтимоий синфларнинг намояндаларига қарши айтилган шиддатли, оташин мунозарали сўзлар шу қадар кўпки, бундай илмий асар жуда камдан-кам топилади.

●

Маркс таълимотн ҳамма вақтдагидек бунда ҳам тажрибанинг чуқур философик дунёқараш ва бой тарих билими чироғи билан ёритилган якунидан иборатдир.

В. И. ЛЕНИН.

БУГУН— МАТБУОТ КУНИ

*• ТАНИШИНГ: БИЗНИНГ ЖАМОАТЧИ МУАЛЛИФЛАРИМИЗ*

# ҲАМКОР ВА ҲАМҚАДАМ ДЎСТЛАР

Матбуот куни арафасида «Тошкент оқшомн» ва «Вечерний Ташкент» редакциясига газета коллективининг энг яхши дўстлари, доимий ёрдамчилари ва маслаҳатчилари, журналистика соҳасига меҳр-муҳаббат қўйган бизнинг жамоатчи муаллифларимиз — ишчи-мухбирлар ҳаракати ветеранлари йиғилдилар. Уларнинг номлари газетхонларимизга яхши таниш, чунки ишчи-мухбирларимизнинг кўпчилиги «Оқшом» газеталари чиқа бошлаган биринчи кундан бошлаб—18 йилги вақтдан буён газета билан ҳамкорлик қилиб келяпти. Улар ўзларининг муҳим ахборотлари билан газетамизни номердан номерга бойитиб бормоқдалар, шаҳар ҳаёти, ишлаб чиқариш илғорлари ҳақида, меҳнат коллективларидаги ютуқ ва камчиликлар тўғрисида ёзилган ранг-баранг материаллари билан газетхонларимиз билан актив мулоқотда бўлишмоқда. Айни пайтда одоб-ахлоқ тўғрисидаги проблематик материаллари билан шу куннинг муҳим масалаларини кўтариб чиқишмоқда.

Сиз газетхонлардан келаётган қувонч ва ташвишлар ҳақидаги хатлар билан ишлашда ҳам улар бизга катта ёрдам кўрсатяпти.

Редакциямиз коллективи учун жамоатчи актив мухбирлар билан бўладиган ҳар бир учрашув қувончли ва фойдалидир. КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг июль (1983 йил) ва апрель (1984 йил) Пленумлари қарорларида матбуот олдига қўйилган вазифаларни биз жамоатчи мухбирларнинг актив кўмагида амалга оширамиз.

Мана бу суратларда учрашув қатнашчиларини кўриб турибсиз. Уларни қисқача таништириб ўтамиз. Албатта, улар газетамизни яна да қизиқарли қилиб чиқаришда бизга ёрдам бераётган кўп сонли жамоатчиларнинг бир қисмидир. Чунки жамоатчи мухбирларимиз жуда кўпчиликни ташкил этади. Бугун—Матбуот куниди уларнинг ҳар бирига катта миннатдорчилик билдирамиз.

● **Ефим Айзикович Перлин** 85 ёшда, аммо у ҳали тетик ва фаолдир. Пенсияга қадар меҳнат қилган электрон-техника заводи ёшлари билан ишлашдек жамоат ишида актив қатнашяпти. Совет Тинчлик фондининг фахрий медали билан тақдирланган, у ҳар йили ана шу фондга бадал тўлаб келяпти. 12 апрелда эса ўзининг бир ойлик пенсияси миқдорида фондга 120 сўм ўтказди.

Ефим Айзикович ўзининг газета соҳасидаги ишини 1922 йили Кировограддаги «Соцнаступ» газетасида бошлаган эди, ишчи-мухбир сифатида «Правда» редакциясида Мария Ильинична Ульянова ва Надежда Константиновна Крупскаялар билан учрашиш бахтига сазовор бўлган.

«Оқшом» саҳифаларида Ефим Айзикович ўзининг революция, гражданлар уруши ҳақидаги хотиралари, муҳим мавзудаги ахборотлари билан қатнашиб келмоқда.

● **Шорасул Зуннун** илгари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида ишлаган, ҳозир пенсияда. У газетамиз чиқа бошлаган дастлабки йиллардан буён ва ҳозиргача ўзининг Шарқ адабиёти ҳикмат дурдоналаридан тайёрлаётган ранг-баранг материаллари билан қатнашиб келяпти. Бу материаллари асосида жамланган «Оз-оз ўрганиб доно бўлур...» китоби қайта-қайта нашр этиляпти. Одобахлоқ, муомала маданияти, ҳаётий анъаналарга эҳтиром Шорасул Зуннун мақолаларининг муҳим фазилатларидир. Газетхонларимиз отахоннинг ижодига қанчалик ҳурмат-эътибор билан қараётганлигини қуйидаги мисолдан ҳам кўриш мумкин. Яқинда редакциямизга Наманган дан келган бир хатда мураккаб инсоний муносабатларни ҳал этиш учун мухбир Шорасул Зуннун командировкага юборилиши илтимос қилинган. Шорасул ота 87 ёшда бўлмаганида у албатта Фарғона водийсига йўл олган бўларди...

● **Борис Ермилович Тихомолов** бизнинг уруш ва меҳнат ветеранларига ёрдам кўрсатиш жамоатчилик советимизнинг аъзосидир. У катта жасорат соҳиби. Улуғ Ватан урушида Б. Тихомолов шонли авиациямизда хизмат қилди. Биз билан уруш олиб бораётган мамлакатларнинг пойтахтларига уюштирилган бомбардимон рейдлари учун 1942 йили И. В. Сталиннинг шахсан кўрсатмасига асосан у Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланди. Бундан аввал у уч марта радио орқали Москвага, Кремлга, бош қўмондонга Берлин устида жанговар топшириқ бажарилганлиги тўғрисида хабар берди.

Б. Е. Тихомолов СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси, у 11 та китоб ёзган. «Осмон романтикаси» деб номланган сўнгги трилогияси эса Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган.

Борис Ермилович газетамиз саҳифаларида эълон қилинаётган мақолаларида шаҳримиз аҳолиси ҳаёти ва маиший турмушидаги жиддий муаммоларни кўтариб чиқмоқда.

● **Темур Нажмий** — кекса журналист, кўп йиллар район газеталари редактори бўлиб ишлаган. СССР Журналистлар союзи аъзоси. Ҳозир у 80 ёшда.

Т. Нажмийнинг мақолалари ҳам «Тошкент оқшоми» чиқа бошлаган дастлабки кунлардан буён эълон қилиб турилибди. Саноат, қурилишдаги ютуқ ва муаммолар бу мақолаларнинг асосий мавзуидир. Шаҳар матбуотида актив иштирок этганлиги учун ўтган йили у Тошкент шаҳар партия комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

● **Лутфулла Ҳамроев**—партия ва меҳнат ветерани, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, СССР Журналистлар союзи аъзоси. У кўп йиллар мобайнида Самарқанд, Хоразм ва Наманган область газеталарининг редактори бўлиб ишлаган. Тўрт марта «Ҳурмат Белгиси» ордени билан тақдирланган, кўплаб жанговар орден ва медаллар соҳибидир. Ҳозирги пайтда Л. Ҳамроев шаҳар партия комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг аъзосидир.

● **Зикрилла Эгамбердиев** рентгенолог-врач бўлиб ишлайди. У Совет Армияси сафида 27 йил хизмат қилиб, подполковник унвони билан истеъфога чиққан. Улуғ Ватан урушида учинчи Украина фронтидаги 1688-эвакуация госпиталида хизмат қилиб, кўплаб аскарларимиз ҳаётини сақлаб қолган.

Унинг журналистика соҳасидаги истеъдоди ҳам халқимизга беҳад манзур. Зикрилла ака «Илғор» маҳалласида ўтказган «Муомала ва саломатлик» мавзуидаги суҳбатни ҳамма мароқ билан тинглаб, уни газетада эълон қилишни маслаҳат беришади.

Шу-шу у ахлоқ ва одоб, табиатни асраш тўғрисидаги қатор мақолалари билан газета ва журналларда қатнашиб келяпти.

Бу мавзулар жамоатчи мухбиримизни доимо янги-янги мақолалар ёзишга ундайди. Шунинг учун ҳам у бу борадаги мақолалари учун Москва Қизил Кресть ва Ярим Ой жамияти томонидан Пирогов номли мукофот билан тақдирланган.

● **Абдуфаттоҳ Набихўжаев** 73 ёшда, унинг биринчи ахбороти «Колхоз йўли» газетасида босилган эди. Матбуот соҳасидаги актив фаолияти учун у Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони билан тақдирланган. Кўп йиллар республика «Союзпечать» агентлигида хизмат қилган, ҳозир пенсияда.

А. Набихўжаев асосан «Тошкент оқшоми»нинг шаҳар хўжалиги бўлими билан ҳамкорлик қилмоқда. А. Набихўжаевнинг ободончилик бўйича танқидий материаллари кескин ва амалий аҳамиятга эга бўляпти.

● **Олег Константинович Апухтин** — рассом, санъатшунос ва журналист. Фин уруши ва Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. Ўқчи батальонда хизмат қилган, Ленинградни мудофаа этишда қатнашган. Олег Константинович санъат ва маданият бўйича ранг-баранг материаллари билан газетамизнинг дастлабки сонларидан буён қатнашиб келмоқда. У тасвирий санъат тўғрисидаги 12 китоб, шу жумладан П. Беньков ҳақидаги ҳужжатли қисса муаллифидир.

● **Оқила Каримова**— пластмасса буюмлари ва рўзғор химияси заводининг инженер-технологи. Унинг кўпгина мақолаларини ота-оналар ва ёшларимиз айниқса, севиб ўқишади. У оилада ва мактабда тарбия масалалари, инсоний муносабатлардаги гўзаллик ва табиат тўғрисида ёзади. Редакциянинг барча топшириқларини, айниқса меҳнаткашларнинг хатлари асосидаги топшириқларни фаоллик билан адо этмоқда.

● **Карим Маҳмудович Маҳмудов**— ўзбек миллий таомларининг катта билимдони. Унинг ранг-баранг таомлар тайёрлаш тўғрисидаги маслаҳатлари жуда кўплаб уй бекаларига манзур. У ўзининг миллий киймлари, тарбия, оилавий муносабатлар ва меҳнат коллективлари тўғрисидаги мақолалари билан ҳам қатнашади. Газетхонларимизнинг хатлари билан ишлашда ҳам у ўз ёрдамини аямайди.

К. М. Маҳмудов фалсафа фанлари кандидати, Тошкент Давлат университетида ишлайди.

● **Анна Петровна Русина** — ўзининг ахлоқ-одоб, оила, никоҳ, болалар тарбияси тўғрисида кўпгина мақолалари билан газетхонларимизга яхши таниш. Унинг мақолалари кўпинча «Оқшом»нинг «Оила даврасида суҳбатлар» саҳифаларида ёритиляпти.

● **Маннон Набиевич Набиев** — Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги санитария, гигиена ва касб касалликлари институтининг катта илмий ходими. Химия фанлари кандидати. Унинг турли шифоли препаратлар, доривор ўсимликлар тўғрисидаги мақолаларини «Саломатлик ҳақида суҳбатлар» рубрикаси остида тез-тез ўқиш мумкин. Бу мақолаларнинг оқшомхонларимизга манзур бўлаётганлигини улардан редакциямизга келаётган хатлар ҳам кўрсатиб турибди. Баъзилар ўз хатларини тўғридан тўғри Н. Набиевга йўллайдилар. Жамоатчи мухбиримиз бу хатларнинг ҳар бирига меҳр-муҳаббат билан жавоб қайтаради.

● **Саъдулла Абдуллаевич Султонов**— 70-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. У Навоий театридаги янгиликлар ҳақида «Оқшом» газеталарининг биринчи сонига ахборот ёзиб келган эди. Шундан буён редакциянинг ахборот, саноат, партия турмуши ва бошқа бўлимлари билан ҳамкорлик қилиб келяпти. Матбуотда асосан меҳнат коллективлари тўғрисидаги хабарлари билан қатнашади, доимо газета учун муҳим янгиликларни илғашга ҳаракат қилади.

● **Люция Хабибуллаевна Мосиводова** — В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалининг катта илмий ходими. У кўп йиллардан буён революция доҳийсининг ҳаёти ва фаолияти, тарихий асарларига оид материаллари билан газетамиз саҳифаларида мунтазам қатнашиб келяпти. Музейдаги янги экспонатлар, бу ерда музей коллективи, партия ветеранлари шаҳар Совети томонидан ўтказилаётган тадбирлар ҳақида хабарлар йўллайди.

● **Николай Иванович Козинский** —фаол ишчи-мухбир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётида слесарь бўлиб ишлайди. Газетамизда хабарлари ва фотолавҳалари билан қатнашади. Ишлаб чиқариш илғорларининг зарбдор вахтаси ва «Ёттилар ташаббуси» издошлари ҳақида, «Озиқ-овқат программаси»ни бажариш, меҳнаткашларнинг хатлари асосида маиший мавзулардаги хабарлари ва мақолалари доимо ўзининг актуаллиги билан ажралиб туради.



СУРАТДА: «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси штатсиз мухбирлари билан бўлган учрашувнинг бир группа қатнашчилари. Пастдаги қаторда (чапдан—ўнгга): Л. Ҳамроев, Т. Нажмий, Е. А. Перлин, Б. Е. Тихомолов, А. П. Русина, Ш. Зуннун; юқорида — Н. Козинский, З. Эгамбердиев, С. Султонов, О. К. Апухтин, А. Набихўжаев, М. Набиев, О. Каримова, Л. Х. Мосиводова, К. Маҳмудов.

Т. Каримов фотоси.

# ЛАУРЕАТЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

ИЖОДИЙ КОНКУРСЛАРНИНГ ҒОЛИБЛАРИ

**Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг секретариати 1983 йилда ўтказилган республика ижодий конкурсларининг якунларини чиқарди**

Журналистика соҳасида ўтган йилги энг яхши ишлар конкурси юзасидан қуйидагиларга **пул мукофотлари берилиб, Ўзбекистон Журналистлар союзи мукофоти лауреати нишони ва дипломи топширилади:**

**Орифжонов** Наримон, «Ёш ленинчи» газета редакцияси пропаганда бўлимининг мудири — РСФСР Ноқоратупроқ зонасини ўзлаштириш қатнашчиларига бағишланган «Истиқболи нурафшон диёр» умумий сарлавҳа остида шу газетада эълон қилинган очерклар туркуми учун ва **Турсунов** Рафиқ Абдуқодирович, «Совет Ўзбекистони» газета редакциясининг бўлим мудири — Тюмень областида ишлаётган ўзбекистонликлар тўғрисида «Тюмендан хатлар» умумий сарлавҳаси остида шу газетада ва «Ёшлик» журналида босилган очерклар учун;

— **Ботиров** Муродбек Қурбонович, Калинин район «Ленинчи» газетаси (Тошкент области) редакциясининг бўлим мудири — қишлоқда турмуш маданиятини ошириш проблемалари тўғрисида шу газетада эълон қилинган материаллар учун;

— **Ершов** Анатолий Андреевич, «Звезда Востока» журнали редакцияси публицистика ва очерк бўлимининг редактори — журналда босилган «Дўстлик шаҳри деб аталди», «Сифат калити», «Қитъалар учрашуви» публицистик материаллар учун;

— **Исмоилов** Жўлдас Баратбоевич, «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» республика газетаси редакцияси бўлимининг мудири ва **Каримжонов** Комилжон, республика радиоси пропаганда Бош редакциясининг редактори — республика агросаноат комплекси қурилишлари ва меҳнатчилари тўғрисидаги материаллар ва радиоэшиттиришлар учун;

— **Норматов** Иброҳим, «Сирдарё ҳақиқати» область газета редакциясининг бўлим мудири — шу газетада босилган илғор ишчилар ҳақидаги очерклар учун;

— **Содиқова** Шаҳзода Жўраевна, Фарғона область радиокомитетининг редактори —радио орқали эшиттирилган аҳлоқий мавзулардаги репортажлар, очерклар ва лавҳалар учун.

Ўзбекистон телевидениесининг ўз мухбири **Зубков** Геннадий Степанович; республика «Ўқитувчилар газетаси» редакциясининг бўлим мудири **Иброҳимов** Ҳусан; «Ташкентская правда» область газетаси редакциясининг хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудири **Кружилина** Ольга Фёдоровна, республика «Комсомолец Узбекистана» ёшлар газетаси редакциясининг бўлим мудири **Мухаметзянов** Рашит Фаатович; республика «Правда Востока» газетаси редакциясининг бўлим мудири **Нечипоренко** Валерий Петрович, Самарқанд область «Ленинский путь» газетаси редакциясининг бўлим мудири **Слухов** Фёдор Михайлович — матбуотда эълон қилинган, телевидение орқали кўрсатилган актуал мавзулардаги материаллар учун **Ўзбекистон Журналистлар союзининг дипломлари** билан мукофотландилар.

**«Пахтакорнинг олтин қўллари» шиори остида дала меҳнатчиларининг социалистик мусобақасини энг яхши ёритганлик** конкурси юзасидан республика «Правда Востока» газетаси редакцияси; республика радиоси қишлоқ хўжалиги бош редакцияси; «Кашкадарьинская правда», «Ленинский путь» (Самарқанд области), «Хоразм ҳақиқати» область газеталари редакциялари; «Тошкент оқшоми» —«Вечерний Ташкент» шаҳар газетаси редакцияси; Косонсой район «Ленинчи» газетаси редакцияси (Наманган области), Ўзбекистон район «Пахтакор» газетаси редакцияси (Фарғона области), Москва район «Янги ҳаёт» газетаси редакцияси (Андижон области) коллективларига Ўзбекистон Журналистлар союзининг пул мукофотлари ва дипломлари берилди.

«Совет Ўзбекистони», «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда», «Комсомолец Узбекистана» республика газеталари; «Бухоро ҳақиқати», «Ленинское знамя» (Сурхондарё области), «Наманганская правда», «Тошкент ҳақиқати», «Ферганская правда» область газеталари; Комсомолобод район «Комсомолобод тонги» газетаси (Андижон области), Тўрақўрғон район «Машъал» газетаси (Наманган области), Наманган район «Учқун» газетаси редакцияларининг коллективлари пахтакорлар социалистик мусобақасини ёритишда актив қатнашганликлари учун Ўзбекистон Журналистлар союзининг дипломлари билан мукофотланди.

**Район, шаҳар ва кўплилан газета редакциялари оммавий ишлари конкурсини қўйғанлик учун М. И. Ульянова номидаги конкурс** Ишитхон район «Ҳаёти» газета редакцияси марҳамат область) коллективларига биринчи мукофот ва ражали диплом; Задарья район «Коммунизм йўли» газетаси редакцияси (Наманган области), Пахтакор район «Ленин ҳаёти» газета редакцияси (Самарқанд области) коллективларига кейинчи мукофот ва Ш дипломлар; Ленинск район «Ленин йўли» газетаси (Сурхондарё области), Шовот район «Ленинизм тақори» газетаси (Хоразм области), Ургенч район «Машъала машъалчеци» кўп тиражли газетасининг редакцияси коллективларига учинчи мукофот ва жали дипломлар берилди.

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

5 МАЙ, 1984. й

# МАТБУОТ КУНИ ШАРАФИГА

Ўзбекистон жамоатчилиги Совет матбуоти кунини кенг нишонламоқда. 4 май куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш ана шу шонли санага бағишланди. Партия, совет ва жамоат ташкилотларининг намояндалари, газета ва журналлар, телевидение ва радио, ахборот агентликлари, нашриёт ва полиграфия корхоналарининг ходимлари, ишчи ва деҳқон мухбирлар Навоий номли давлат академик Катта театрининг залига келдилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров очди.

«Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетасининг редакто-

ри И. Сулайманов, Ўзбекистон ССР Матбуот комитетининг матбуотга раҳбарлик бўйича ўринбосари С. Тихонова ташкилотлари журналистлари ва матбуот партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг пленумлари қарорларини КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконутқларида белгилаган вазифаларни амалга ошириш, ижодий ишларини яхшилаш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ғ. Ғ. Ғуломов ташкилотларнинг ишларини яхшилаш, матбуотнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини ошириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ғ. Ғуломов номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳ. Ҳ. Ниёзий, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, ёзувчи Ш. Юнусов, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ленин комсомоли мукофоти лауреати, ёзувчи Ҳ. Назир, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ленин комсомоли мукофоти лауреати, ёзувчи Ҳ. Ғулом номидаги Давлат

• АЖОЙИБ НАСИҲАТЛАР

## Ҳикматнома

### НАЗОФАТ

Назофат деб барча аъзоларимизни, кийим-кечакларимизни пок, тоза тутмоққа айтилади. Аслида поклик, тозалик зеҳн ва идрокни кенг-райтириб, чархлайди, ўткирлаштиради. Одамлар орасига эътибор ва шуҳратга сабаб бўлади. Тозалик, озодалик билан турли касаллар орасидаги эътиборсизлик ва ғафлатдан қутилиб, ўз жонимизнинг қадрига етган бўламиз. Пок одам кўнгли чоғ одам бўлади.

**Халқи олам сўйгувидир тозалик—покни,**
**Поклик орттургисидир фаҳм ила идрокни.**
**Ҳар кишини кўксида поклик нишони**
**бўлмаса,**
**Тозалик майдонидан қувғайлар ул бепокни!**

### ИФФАТ

Иффат деб нафсимизни гуноҳ ва бузуқ ишлардан сақламоққа айтилур. Бизларни гуноҳ ва масъулиятдан сақлагувчи, ҳаромхўрликдан нафсимизни асрагувчи фақат иффатимиздур.

**Зотингга зийнат ўлан иффатни дилда**
**сақлагил,**
**Шафқат нафсинг сени бўлғусидир**
**ақлингга қул.**
**Ҳар кишини дунёда йиртилса иффат**
**пардаси,**
**Нафси шайтондек анн бир кун солур**
**бўйинига ғул.**

### ҲАЁ

Ҳаё деб, ишда, сўзда ободни риоя қилмоқни айтилур. Ҳаё дилни равшан қиладиган бир нурдирки, инсон ҳар вақт шул маънавий нурнинг зиёсига муҳтождир... Иффатнинг пардаси, биждоннинг ниқоби ҳаёдир. Шунинг учун ҳар бир ҳаракатимизда, сўзимизда ҳаёни бўлдан бермаслик керак. Ҳаё пардаси ила ўралмиш инсонларнинг иффат пардаси йиртилмас. Бу чодир шундай муборакдурким, унга-мунча хатоларни беркитиб, йўқ қилур.

Сукрот демиш: «Хотунларнинг энг гўзали ҳаё ва иффат пардасига ўралганларидур».

Ибн Сино демиш: «Инсонда доим турадиган хуш ва латофат ҳаё ила иффатдур. Ҳаёсиз юз жонсиз жасад кабидур».

**Ҳаё, номус имона далилдур,**
**Ҳаёсиз донмо ҳору залилдур.**
**Уялма маърифат ҳосил қилувдан,**
**Маорифсиз кишилар мурда дилдур.**

**АБДУЛЛА АВЛОНИЙ.**

Одобли, андишали кишилар фойда билан зарарни, яхши билан ёмонни тез фарқ қилиб оладилар. Бундай одам чуқур фикр қилишга, ақл юритишга, меҳнат қилишга ўрганиб қолади, яхшилик ва гўзалликка меҳр қўяди. Насибасида тушунча ва ҳислари юксак бўлади.

«Меҳнатнинг таги—роҳат», дейди халқимиз. Халқнинг бу мақолига амал қилган ҳар бир киши аввало меҳнатни улуғлайди.

**Уз меҳнатидан нон еган кишн,**
**Хотам миннатидан озод ёз_қиши.**

Ҳеч нарса ҳушёъликдан арзон тушмайди ва қиммат баҳоланмайди.

**М. СЕРВАНТЕС.**

...Яккн тоифа одам беҳуда ишлаб, беҳуда ҳаракат қилган бўлади: бири мол-мулк йиғиб, фойдаланмаган, иккинчиси эса, илм олиб унга амал қилмаган.

**Харчанд ўқибсан, билимдонсан,**
**Агар амал қилмадинг—нодонсан.**
**Кимки, бефойда умрини ўтказди,**
**Ҳеч нарса олмасдан, олтин кетказди.**

**САЪДИЙ.**

Агар сиз ҳеч қандай хатога йўл қўймасликка интилсангиз, қоидадан четга чиқмасликка: ҳамма нарсада ростгўй, беистисно, ҳамма нисбатан ҳурматда ва кўнгилчан бўлишингиз керак...

**Кэнхо ХОСИ.**

Кишига билимига қараб яхшилик қил. Унинг қилган яхшилигинг бошингга бало бўлиб тушади...

**Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл.**
**Одам боласи—элнинг лоласи.**

**Абай ҚУНОНБОЕВ.**

Оналарнинг инсоният олдидаги энг улуғ хизмати биринчи навбатда фарзанд ўстириш, уни вояга етказиш билан боғлиқдир. Ҳаётни инсон, инсонни эса она етиштиради. Шунинг учун ҳам оналарни — ҳаёт манбаи деб улуғлайдилар. Ҳақиқатан ҳам она фарзандини вояга етказгунча не-не машаққатларни тортади дейсиз. Фарзанди учун бутун ёшлиги-куч-қувватини, қалб қўри, кўз нурини — ҳаёгнчи, бутун борлиғини бахшида этади. Шунинг учун ҳам онани мангу улуғлаш, эъзозлаш ва азизу-мукаррам қилиш керак.

Абдулла Орипов шеърндаи:

Онам кетса, юлдуз-ку, юлдуз,
Кулаб тушса арзийди осмон...

Ҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ тайёрлаган.

# ТОШКЕНТ МЕҲМОНЛАРНИ КУТМОҚДА




**Республикамиз пойтахти шу кунларда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Тошкент Халқаро кинофестивали қатнашчиларини кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Бу анжуманга атаб шаҳарни безатиш бўйича макетлар, эскизлар ва плакатлар тайёр бўлди. Бу ишларни «Рассом» комбинатининг А. Чаткаускас ва С. Аванесов бошчилик қилаётган безакчи рассомлари бажаришмоқда.**

— Фестиваль меҳмонларн ва қатнашчиларн Тошкент замнинги қадам қўйишларн биланоқ байрам муҳитига кириб қоладилар: Пойтахт аэропорти қатнашчи мамлакатларнинг байроқларн ва кино усталарини турли тилларда қутловчи шиорлар билан безатиладн,— дейди фестиваль ташкилот комитети аъзоси, «Рассом» комбинатининг директорн К. М. Маҳмудова.

«Ўзбекистон» меҳмонхонаси бу кино байрамининг марказларидан бирн бўлиб қоладн. Унинг биноси фестиваль эмблемаси акс эттирилган жозибали панно билан безатилади. Меҳмонхона олдидаги майдонда уч қитъанинг кино санъати билан таништирувчи фотокўргазма очилади.

Кинофестиваль тантаналн очиладиган В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройн олдидаги майдон ҳам бу кино анжуманда қатнашувчи мамлакатлар байроқлари билан янада файзли бўладн. Биз фестиваль фильмларн фотокадрларн, етук кино усталарининг суратларини ўз ичига олган кўргазма очилади.

Кинофестиваль экспозициядан ўрин олади. Республика кино уйида ҳам ана шундай кўргазма ташкил этилади.

«Ўзбекфильм» киностудияси бағрида жойлашган Ўзбекистон кинос музейн ҳам фестиваль меҳмонлари ва қатнашчиларнинг кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда.



# Шанба оқшоми

• ВОҚЕА АРАФАСИДА

## БАЙРАМГА ТАЙЁРЛАНИШМОҚДА

Шу кунларда совет халқининг фашистлар Германияси устидан қозонган буюк ғалабасининг 40 йиллиги ва Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган духовой музика ва духовой оркестрларнинг Бутуниттифоқ бадиий ҳаваскорлик санъатн фестивали доирасида ўтказиладиган катта театрлаштирилган байрамга тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда.

Ғалаба куни яъни, 9 Май соат 18.00 да шаҳардаги кўчалар бўйлаб концерт томошалари бошланади. Бу томошалар В. И. Ленин номидаги майдонда бўладиган катта байрам билан якунланади. Музика байрамида М. Ашрафий номидаги Тошкет шаҳар давлат консерваторияси, Ҳамза номидаги Давлат музика билим юрти, маданият институти, Тошкент шаҳар ижроия комитети маданият бошқармаси, маданият-оқартув техникуми, Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси санъат ва меҳнат саройнинг духовой оркестрлари, ҳарбий духовой оркестрлар, «Коммунальник» клубининг болалар духовой оркестри ва бошқалар иштирок этади. Байрамда, шунингдек кўп сонли хор коллективлари, барабанчилар колоннаси, турли спорт жамиятларининг спортчилари қатнашадилар.

Театрлаштирилган байрам аввалдан белгиланган маршрутлар бўйлаб махсус колонналарнинг ҳаракати билан бошланади. Колонналарнинг маршрутлари «14 Туркистон ҳарбий комиссари» ҳайкали олдидан Волгоград мемориали, Ғалаба хиёбони, Поэзия боғи (ёш томошабинлар театри)дан бошланади.

Колонналарнинг тўхташ жойларида уларга Улуғ Ватан уруши-нинг ветеранлари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, партия ва комсомол ветеранлари келиб қўшиладилар. Байрам давомида улар ғалаба кунига бағишланган хотираларини сўзлаб берадилар.

В. И. Ленин ҳайкали пойига ва Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйиш тантаналари байрамга алоҳида руҳ бағишлайди.



## Кутубхонада... қўғирчоқ театри

**Вильнюсдаги республика оммабоп кутубхонада ташкил этилган қўғирчоқ театри 18 йилдан бери томошабинларга хизмат кўрсатиб келади. Унинг асосий саҳнаси болалар адабиёти бўлимининг ўқув залига жойлашган.**

**Вильнюслик кутубхоначиларнинг қўғирчоқлари тез-тез болалар уйларида, мактабларда, санъат саройларида меҳмон бўлиб турадн. Театр республиканинг барча бурчакларида, шунингдек Югославия ва Чехословакия мамлакатларида ҳам бўлиб, ўз репертуарини намойиш этди. Коллектив бир неча бор республика ва Бутуниттифоқ конкурсларининг лауреатлари бўлди.**

**СУРАТДА: қўғирчоқлар саҳнада.**

**ТАСС фотохроникаси.**

## ТЎРТЛИКЛАР

**Ҳаётда ҳамма одам ҳар хил яшаб ўтади,**
**Кимдир бевақт, ким эса ошин ошаб ўтади.**
**Яхшининг ҳисоботидан мунаввар бўлса диллар,**
**Кимдир сувсиз булутдай соя ташлаб ўтади.**

●

**Ўзимни чалғитдим дом ёмондан,**
**Ҳеч айру тушмадим зайли замондан.**
**Дунёда ҳар неки бўлса ҳам улуғ,**
**Ҳеч бирни қўймадим юксак инсондан.**

●

**Мақтанчоқ сўзига жим солсанг қулоқ,**
**Кўпирнб кетади яна ҳам кўпроқ.**
**Ёлғиз у аҳмоқ деб ўйлама, аҳир —**
**Эшитиб ўтирган ўзинг ҳам аҳмоқ.**

●

**Эл-юртга қайнгган ҳамиша тилда,**
**Назарга тушдингми, кам бўлмайсан ҳеч.**
**Шу сенинг бойлигинг, шу сенинг бахтинг,**
**Саробга ўхшовчи шуҳратлардан кеч.**

●

**Низо чиқмас ўртада нобоп бўлмаса,**
**Иш юришмас беҳуда чоп-чоп бўлмаса.**
**Сабр таги олтин дерлар, бу яхши,**
**Агарда кутганинг сароб бўлмаса.**

●

**Ҳар битта одамни ўзингдек кўргин,**
**Қўлингдан бермасанг, йўлингдан бергин.**
**Беш панжа оғизни йиртар дейдилар.**
**Халқининг бу нақлини бир ўйлаб кўргин.**

●

**Нурнинг этагидан тутиб бўлмайди,**
**Нодондан оқибат кутиб бўлмайди.**
**Бесамар ишларга қўл урма асло,**
**Дарёдан бир сакраб ўтиб бўлмайди.**

●

**Ниятинг соз бўлса иш чопиб кетар,**
**Шум ният ўзингга гўр топиб кетар.**
**Кўлмак сув қуригай ўз ўзанида,**
**Оқар сув ўзига йўл топиб кетар.**

**Ҳабиб РАҲМАТ.**

• *Ҳайвонот олами сирлари*

## Коллекциячи ҳакка

**Гапирадиган қушлар— тўти, майна каби тақлидчи паррандалар ва ҳайвонлар ҳақида кўп эшитганмиз. Ҳакка ҳам тақлидчилар орасида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. У одамга тақлид қиладн, хавфдан хабар берувчи қушлар орасида биринчи сафда туради. Ҳакканнинг бошқа қилиқлари қаторн йиртқичлиги, турлн-туман нарсалар йиғишга ўчлиги ҳам бор.**

**Марғилондаги бир шифохонада ётганимда ҳаккаларининг йиртқичлиги— «коллекцнячи» эканининг гувоҳи бўлганман. Улар ношуд мусичалар тухумини ўғирлаш, сада қайтаётган ни кўрган чумчуқ палапонларини овлаш билан машғул бўлардн. Тўғри, чумчуқлар бор кучларини тўплаб ҳаккаларнинг ҳужумини қайтаришга ҳаракат қилишарди. Аммо кўпин кўрган айёр ҳаккалар ҳар қадамда чумчуқларга чап беришар, бирн чумчуқларни чалғитганда, бошқаси чумчуқ болаларини ўғирлаш билан шуғулланар, тўғрироғи ҳамкорлик билан иш тутишардн.**

**Шифохона территориясидаги ҳаккалар шу қадар сурбет бўлиб кетишган эдики, одамлардан ҳам тап тортмай палаталарнинг очиқ деразаларига қўниб, ўзларига ёқиб қолган биқор нарса, баъзан конфет, ҳатто металл ашёларни ҳам олиб қочишдан тап тортишмас эдн.**

**— Опқочди, ҳа ўғри, сани қараб тур!—дўқ урди касалхона ҳовлисида сайр қилиб юрган болалардан бирн.**

**— Ким! Нимани опқочди!**

**— Ким бўлардн, ҳаккада! Менинг кумуш қошиқчамни олиб кетди...**

**— Майлига, келган бало шу билан даф бўлсин,— кимдир болага тасалли берди. Ҳалн яхши бўлиб кетсанг бунақа қошиқдан мингтасини топасан...**

**Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмай ҳалиги бола ёнида битта ўртоғи билан палатага ҳовлиқиб кириб келдн. Унинг қўйин тўла алла нарсалар бор эдн.**

**— Топдим, қўлга туширдим ўғрини,— дедч у гўё катта бир иш қилгандек. — Мана, қаранглар, қанча нарсани олиб қочган экан. —у қўйнидаги буюмларни чиқариб стол устига ташлади.**

**Ҳакка нимдан топилган буюмлар орасида кишининг ҳаёлига келмаган нарсалар уйқашиб ётардн: учта чой қошиқ —улардан бирн кумуш, бешта ҳар хил қимматга эга бўлган танга, бир_никкта рангдор лахтак, авторучка, вилка, дорн шишадан тортиб, калава ипгача, жумладан йигирмага яқин фойдаланилган автобус билетн, ҳатто бнтта ўқувчилик гувоҳномаси ҳам бор эдн.**

**Чақалоқларнинг ҳалқасига қизил лента боғланган сўрғичнни қўлга олган беморлардан бирн таважжубдан ўзини тня олмадн:**

**— Оббо, ҳаккалар ҳам сўрғич билан «бола овутадиган» бўп қопти чоғи.**

**Ҳамма кулдн, ҳамма «коллекцнячи» ҳаккага ўқрлаб йиғган буюмларга ҳайрат билан қараб турардн.**

**Х. ҲАКИМОВ.**

## Доя-қурбақалар

Суринам қурбақасининг урғочиси оталанган тухумлар ташлар экан. Эркаги урғочисига ёрдам беради. У тухум доналарини илиб олиб, урғочисининг орқа юзасига жойлаб туради. Ҳар бир тухум атрофидаги тери тез орада қалин тортиб, шунчалик ўсиб кетадики, тухум донасини ҳар томондан қоплаб олади.

Шу йўсинда ҳар бир тухум халтача ичида қолади. Эркак қурбақа, урғочисининг орқасига нечта тухум олиб ташлаган бўлса, ўшанча халтачалар бўлади. Эркак қурбақанинг роли шу билан тугайди. Барча қолган ишларни урғочи қурбақа охирига етказади.

Доя-қурбақа эркагининг роли анча масъулиятлидир. Зотан у «доялик» ёки «акушерлик» вазифасини ўтайди. Шу сабабли қурбақанинг номи ўзига жуда ўринли берилган. Доя-қурбақанинг урғочиси мунчоққа ўхшаб тизилган тухум доналарини сувга қўяди. Эркаги урғочисининг орқа юзасидан туриб, тухум шодасини ўзининг сонига астасекин ўраб олади. Буниш ниҳоясига етиши билан эркак қурбақа сувдан қуруқликка чиқиб олади. У тухумлардан итбалиқлар чиқишини кутиб ётади. Бу кутиш уч ҳафта давом этади. Шу муддатнинг охирига келиб эркак қурбақа яна сувга шўнғийди. Кўп ўтмай уни ҳар томонга жавлон уриб юрган итбалиқлар даврасида кўриш мумкин.


Шундай қилиб, табиат ҳайвонларга ҳам «доя»ликни юклаган. Турфа олам деб шунга айтадилар-да. Бўлмаса, доя-қурбақалар бўлармиди?

• ДАМ ОЛИШ СОАТИДА

## КРОССВОРД

**Энига: 5. Қирғиз халқ эпоси. 7. Асқад Мухтор романи. 9. Ой. 10. Қардош миллат. 11. Уй ҳайвони. 13. Фарғона водийсидаги дарё: 14. Дарёга қуйилувчи сув йўли. 16 Қўшиқчилар коллективи. 18. Чорва озуқаси. 21. Айлананинг икки нуқтасини туташтирувчи чизиқ. 23. Миллий торли чолғу асбоби. 25 Қуёш ботиб қоронғулни тўша бошлаган пайт. 26. Бино қисми. 27. Транспорт турн. 28. Ип газлама.**

**Бўйига: 1. А. Чаковский романи. 2. Тикувчиликда ишлатиладиган асбоб. 3. Қадимий ўзбек халқ афсонавий қаҳрамони. 4. Экиндан олинган унум. 6. Ўзбек музика асбоби. 8. Уруғлик энергиясн. 12. Тог қўйи. 13. Тожикистондаги нурхона. 15. Дуккакли экин. 17. Бирор ишни бажаришдаги ихтиёрий ёрдам. 18. Беш достонни ўз ичига олган асар. 19. Сабзавот экини. 20. Жиззах область-**



**ндаги район. 22. Электр зарядн оқимн. 24. Шахмат ўйинидаги ҳолат.**

**Тузувчи Ф. ОРИПОВ.**

**21 АПРЕЛДАГИ «ФУТБОЛ» ЦИКЛОКРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**1. «Днепр». 2. «Секеч». 3. Гомеш. 4. Носов. 5. Кубок. 6. Бутсн. 7. «Пюмир». 8. Чанов. 9. Финал. 10. Росси. 11. «Старт».**

## РАССОМ ТАБАССУМИ




**— Бахтимдан ўргилай дугонажон, зўр йигит топиб танишдим.**

**— Қаерда ишларкан?**

**— Тагида янги «ГАЗ—24» машинаси бўлгандан кейин иш жойини суриштириб нима қиламан.**

**— Жон хотинжон, сенинг даврингда эринг ҳам бундай рўёбга чиқсин. Дадангдан яна озроқ қарз олиб турсак мана шу машина шахсан ўзимизники бўлардн.**

**— Ошхона директорн ўзгарса ҳам меню ўзгармай эскилигича қолаверибдн-да.**

**А. Холиқов расмларн.**

# Шанба фельетони

# МАҚОЛХОНЛИК

**ЭКИ «ЎЗБИТРЕМСТРОЙМОНТАЖ» ТРЕСТИ ЎЗ ҚАРАМОҒИДАГИ ШАҲАР РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИНИ «ЧУВ» ТУШИРГАНИ ҲАҚИДА**

Халқ ижодкор. Мақол, мақол ижодкорларни тўқишга устаси фаранг. Масалан, топиб айтган ушбу гапга бир қарасангиз: олрда —ором жонним, ишдан берн бу мақолни Тошкентдаги машиий хизмат кўрсатларини ремонт қилувчи ремонт-қурилиш бошқармаси ишчилари шеър қилиб ёзиб юборишибди. Шеър—мақолхонликнинг боиси бор, албатта.

Ҳаққи ремонт-қурилиш бошқармаси 1980 йилда «ЎзбитремстройМонтаж» трестн бошқармасига шу трестга бўйсунувчи бошқарувчиси Ғ. Турсуновнинг кўрсатмаси бнлан ишчилар учун пайчилик уй-жой қурилишига 31 минг сўм ўтказдн. Ҳолбуки, ремонт-қурилиш бошқармаси уй-жой қурилишн учун алоҳида маблағга эга эмас эдн. Шундай экан 31 минг сўм бошқармаинг айланма маблағларидан қонунсиз равишда ўтказилдн. Ҳар ҳолда пул ўтказилган, бошқарма ходимлари келажакда уйлн бўлишдан умид қилишган эдн.

Орадан бир йил ўтдн. Юқоридаги маблағ ҳисобига олинган иккита квартира бошқарма ишчиларига эмас, балки трест хизматчиларига «туҳфа» этиб юборилдн. Квартира югурганнинн эмас, буюрганнйки бўлгандан кейин бошқарма ишчилари ўртасида аччиқ мақолхонлик кучайиб кетдн. Бирн ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир, дедн. Бошқасн — шолнин Эшшат тердн, ошин Тошмат ошадн, дедн.

Бошқармадагилар 31 минг сўм қулоғнни ушлаб кетаётганини кўриб, ўзларн тўқнган мақол билан трестга мурожаат этишдн: олганингиз омонат, қайтарингиз саломат! Трестдагилар жиддий одамлар эмасми, ўзларига бўйсунувчи бошқармада тўқилган мақолга жавоб бермшин эп кўришмадн. Иссиқ сўзнм — иснтма, совуқ сўзнм — совутма, мақолларга амал қилиб, жим юришни афзал билишдн.

Афсуски, бошқармада мақолхонлик авжига чиққанн сари тартиб-интизом, молия-хўжалик ишларн ндан чиқа бошладн. Масалан, 1982 йилда 8,3 минг сўмлик қурилиш материалларн четга ошкрнб юборилдн. Кадрлар қўнимсизлигн кўпайдн. 1983 йилда кадрлар сони 241 кишн бўлган. Шунисн қизиқки, шу йилн 285 кишн ишга қабул қилинган, 332 кишн ишдан бўшатилган. Урнндошлнк йўлн билан ишловчилар ва вақтнича ишчилар меҳнат дафтарчасисиз ишга олнинаверган. Бедаванинг уйи йўқ, қайга борса питбилдик, деганлардек вақтнича ишчилар уй адресларини ҳам нотўғри ёздирншган экан. Масалан, паркетчи Стуров В. Г. — Чилонзордаги 16-квартал, 42-уй, 6_квартирада яшайди, деб ёзиб қўйилибди. Ҳозир 16-кварталда бор-йўғи 26 та уй бўлиб, 42-уй қирқ йилдан кейин ҳам қурилиши гумон.

Бунақа адреси номаълум вақтнича ишчиларни ишга олиш ва ҳақ тўлашдаги нуқсонлар ҳақида ёзаверадиган бўлсак ҳужматли ўқувчиларимизнинг сочлари тнкка бўлиб кетади. Чунки бундай номаъқулчиликлар бошқармада кўп йиллардан берн ишлаётган ишчиларнинг сочнин аллақачон тнкка қилиб юборган эдн. Улар ўроқда йўқ, машоқда йўқ вақтнича ишчилар, бирлашма пулнни «туя қилган» трест ходимларн ҳақида Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигига ёзиб юборишдн. Министрликдаги ўртоқлар шикоятнинг моҳиятнни чуқур ўрганмай, хатни контролдан чиқаришдн.

Аҳвол ўзгармаганидан ранжиган ишчилар энди халқ контроли органларига мурожаат этишдн. Халқ назоратчиларн бошқармада вужудга келган аҳволни ҳолис ўрганиб чиққнб, молия-хўжалик ишларида сурункасига чалкашликларга йўл қўйилаётганн ва бошқа нуқсонларини аниқлашдн. Яна шу нарса маълум бўлдики, 1979 йилдан берн бошқарма бошлиғи олтн марта яъни, ҳар тўққиз ойда ўзгарибдн. Шундай экан, бу ерда кадрлар қўннмм ҳақида гап бўлиши мумкнмми!

Халқ назоратчилари бошқарманинг уй-жой қурилишн учун ажратилган пули ҳисобига олинган квартираларни трест ўзн раво кўрган кишиларга ажратганнни ҳам аниқлашдн. Насия эгсанг этни, қизартирар бетни, дейишдн. Трестдагилар эса 31 минг сўмни қайтарнш йўлнни тополмай, қизарибгина турaверишдн.

Оқибат шу бўлдики, Тошкент шаҳар халқ контроли комитетн бошқармадаги мақолхонликнинг сабабларини янада чуқурроқ ўрганишни прокуратура органларига ҳавола этдн.

Республика аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг тегишли бўлимларн ўз вақтида чора кўрмаганида эдн аҳвол бу даражага бормб етмаган бўларди. «Ўзбитремстроймонтаж» трестидаги ўрточлар эса ўзларига бўйсунувчи бошқармада вужудга келган вазиятни «ойда ҳам дот бор» деб хотиржам баҳолашяпти. Аслида шу трест раҳбарлари бошқармада тартиб-интизомни йўлга қўйиш борасида қайғуришларн лозим эдн. Афсуски уларнинг кўл остидаги ташкилотда ҳар тўққиз ойда бошлиқ ўзгариб турган, лекин аҳвол ўзгармаган.

Хулоса — мақол: араванинг ҳам бўш жойи қадоққа келганда сиғадн.

**М. МУРОДОВ.**

### Пойтахтнинг Собир Раҳимов райониидаги Абдулла Набиев номли пионер ва ўқувчилар саройида «Дуторчи қизлар» ансамбли ҳам фаол иш олиб бормоқда. Ансамбль қизлари ўзбек халқ классик ва замонавий куй-қўшиқларини маҳорат билан ижро этишни ўрганишяпти.

**СУРАТДА: ансамбль қатнашчиларидан Элмира Мамажонова ва Дилфуза Мўминовалар.**

**М. Нуриддинов фотоси.**

НАБОТОТ АЖОЙИБОТЛАРИ

## Йўл кўрсатувчи дарахт

Наботот оламининг серхисларлиги барчага маълум. Ҳиндистон бодоми Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида ўсадиган дарахт бўлиб, у ўзининг ажойиб фазилати билан ажралиб турадн. Мазкур дарахтни гоҳо компос сифатида ҳам фойдаланилади. Чунки бу ўсимликка назар ташлаб йўлингизни тўғри танлаб олишингиз мумкин: дарахтнинг илдизлари тана устунига нисбатан тўғри бурчак ҳосил қилган ҳолда фақат икки йўналишга, яъни бири тўппа-тўғри шимолга, иккинчиси эса фақат жанубга қараб йўналган бўлади.

## Компаснинг ўзгинаси

Табиатшунос олимлар ўтган асрнинг кўпларида Америка қитъасининг ғарбий томонларида яйловларида ажойиб бир гиёҳга назарларн ташлаган. Ўсимликнинг япроқлари куррамиз меридиан чизиғи йўналиши бўйича жойлашган эди. Кейинчалик немис ботаниги Сталь мазкур компас-ўсимликни Европа қитъасининг бир қатор минтақаларида учратган. Аниқланишича, бу ажабтовур ўсимлик ўзимизнинг жайдари салат экан.

## Эгилган бўйи— имо қилгани

Ажабтовур ўсимликлар ҳақида сўз кетар экан, албатта аллеп қарағайи ҳақида тўхталиб ўтмасдан бўлмайди. Ўрта Ер денгизи соҳилларидаги қуруқ тошлоқ-тупроқли ерларда ўсадиган бу ўсимликнинг бўйи 10 — 15 метр бўлиб, сумбат гавдасини доимо бир тарафга қаратиб энгаштириб туради. Қизиғи шундаки, ўсимликнинг энгашган тарафи фақат жануб томон бўлади. Дарахтнинг ёнбошлаган тарафини ҳисобга олиб Ер шаридаги давлатларнинг жойлашганини айтиб бериш қийинлик туғдирмайди.

БУ — ҚИЗИҚ

## ФУТБОЛ СУДЬЯСИ— АЁЛ

**18 ёшли француз аёли Мартина Франция футбол иттифоқи мактабини муваффақият билан тамомлаб, аёллар ўртасида биринчи аёл-судья бўлдн. Бу аёл футбол судьяси бўлиш имтиҳонн пайтида 12 километр масофанн бесиб ўтиб, футбол теориясн ва практикаси тўғрисидаги 575 та саволга қониқарли жавоб берди.**

**Испанияда буқа билан олишувчи тореадорлар мактабн мавжуд. Шундай мактабга келиб, ўргатувчиларининг 7 лекциясини тинглаб, сўнгра сузонгич буқа билан синов имтиҳонидан ўтган аёлларга ҳам тореадорлик дипломи топширилди.**

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5 МАЙ, 1984 й.

# ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

## ДУШАНБА, 7. V

**РАДИО КУНИ, БАРЧА АЛОҚА ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ БАЙРАМИ**

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Радио кунига. Телефильмлар: «Радио — революцияга„ «Унутмай, ёдда сақлаганлар ҳақида».
10.35 Болалар учун фильм. «Шимол дайдиларн».
11.50 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
12.50 «Биргаликда аҳил оиламиз».
13.10 Янгиликлар.
* * *
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Саксонинчи йиллар коммунистлари». Телефильмлар: «Оддий одам», «Ханамов ери».
16.00 К. Симонов. «Учинчи адъютант».
16.45 «Мен — бугун ва эртага». Мактаб ўқувчиларининг алоқачи касбларига оид назария ва кўникмаларни яхши билиш учун мусобақаси.
17.30 «Онамларнинг мактаби».
18.00 Ҳужжатли фильм премьераси. 3-фильм. «Зарур» дегани нима».
18.30 «Русский сувенир» ансамбли чалади.
18.50 «Ишлар ва одамлар». «БАМ. Саксон тўртинчи йил баҳори».
19.20 «Дунё воқеалари».
19.35 «Футбол шарҳи».
20.05 «Берлин йўлида». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» —МАСК.
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15-9.35 «Хотирамиз посбонлари». Ҳужжатли фильм.
10.05 «Рус тили».
11.05-11.35 «АБВГДейка».
12.05—12.40 «Фан ва турмуш».
14.35 «Правда» ҳақида сўз». Телефильм.
15.35 Тарих саҳифалари. «Қалб хотираси».
16.25 Янгиликлар.
* * *
18.30 Янгиликлар.
18.45 Академик эшкак эшиш бўйича СССР чемпионати.
19.30-20.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.00 Қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар программаси.
22.25 «Фронтдошлар». Телефильм.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
11.30 «Брест қалъаси болалари». Телефильм.
12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Зарница-84» (рус.).
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.20 «Бугун — Радио куни». «Қоғозсиз ва масофасиз газета».
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» —«Торпедо» (Москва). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).
20.50 «Ахборот».
21.10 «Ваня қандай қилиб хотин танлади». Катталар учун мультфильм.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.15 Радио кунига бағишланган концерт. А. Навоий номли Давлат академик Катта театридан трансляция пайтида ёзиб олинган.
23.45 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00—16.30 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Қизиқувчилар экрани».
18.40 «Ой бориб, омон қайт». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 Врач маслаҳати.
20.45 «Ўқинг, тингланг, томоша қилинг». Телефильм.
21.00 «Сен баҳорда туш бўлиб кирдинг». Музикали телефильм.
21.30 МТ II

ҲУРМАТЛИ ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР!

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитети ўз программаларига ўзгаришлар киритиши мумкин.

## СЕШАНБА, 8. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Мен—бугун ва эртага».
10.25 «Берлин йўлида». Бадиий фильм.
11.50 Духовой оркестр концерти.
12.35 Ҳужжатли фильмлар: «Инсонпарварлик орқали тинчликка», «Бу бизнинг келажагимиз».
13.05 Янгиликлар.
* * *
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Ульяновск». Телефильм.
15.35 А. Караманов. «Ғалаба поэмаси». МТ ва БР Катта симфоник оркестри ижро этади.
16.10 «ГДР билан учрашув». Киноочерк.
16.40 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
17.10 «Мардлик мактаби».
18.10 Ленинград «Хореографик миниатюралар» ансамбли балет артистларининг концерти.
18.30 Ҳужжатли фильм премьераси. 4-фильм. «Гагарин мактабда ўқиб юрган пайтлар».
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Халқ куйлари.
19.45 «Вираж». Ёшлар спорт кўрсатуви.
21.30 «Время».
22.05 Союзлар уйининг Колонна залида Радио кунига бағишлангэн концерт.
00.35 «Дунё воқеалари».
00.50 Тинчлик велосипед пойгаси. ГДРдан олиб кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15-9.35 «Ҳамма стартда». Телефильм.
9.55-10.15 «Гигантнинг туғилиши». Илмий-оммабоп фильм.
12.05-12.40 «Шахмат мактаби».
14.30 Н. Заболоцкий лирикаси.
15.15 СССР Герби.
15.45 Уруш йиллари шеърлари ва қўшиқлари.
16.30 Янгиликлар.
* * *
18.30 Янгиликлар.
18.55 «Учинчи бор туғилиши». Телефильм.
19.45-20.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.45 Совет тасвирий санъати Улуғ Ватан уруши йилларида.
21.20 Телевизион кўрик-конкурс. Клин шаҳар ойна заводи клубининг духовой оркестри чалади.
21.30 «Время».
22.05 «Беш кечаю беш кундуз». Бадиий фильм. («Мосфильм» ва ДЕФА (ГДР).

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Пионерлар мамлакатида».
18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ҳамшаҳарларимиз шундай хизмат қилмоқдалар» (рус.).
19.00 «Турмуш ва маданият».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Ғалаба кунига. «Баҳорга ҳамоҳанг». Музикали фильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Гулла, яшна, она диёрим». Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг хори ҳамда халқ чолғу оркестри иштирокида музикали-адабий композиция.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Пилларчиларнинг шу кунги муҳим вазифалари».
22.20 «Эльбадаги учрашув». Бадиий фильм (рус.).

● УзТВ II

9.00—16.35 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Рус тили — мактабгача ёшдаги болаларга. «Миллий болалар боғчаларида эрталик уларни рус тилида сўзлашишга ўргатишнинг воситаси сифатида».
18.45 «Вахта давом этади». Телефильм.
19.15 Ўқув программаси.
19.45 Тошкент янгиликлари.
20.10 «Прага каштанлари остида». Фильм-спектакль. 1-серия (рус.).
21.30 МТ II

## ЧОРШАНБА, 9. V

**1941—1945 ЙИЛЛАРДАГИ УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА СОВЕТ ХАЛҚИ ҒАЛАБАСИНИНГ БАЙРАМИ**

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Ветеранлар қалбан қаримайдилар». Улуғ Ватан уруши ветеранларидан иборат Москва эркаклар хори куйлайди.
10.35 «Совет Армияси. Совет солдати — олий унвон». Ҳужжатли фильм премьераси.
10.55 Духовой оркестр концерти.
11.25 «Ер юзида ҳаёт тантанаси учун». Ғалаба байрамига бағишланган шеърий композиция.
12.00 МТ ва БР болалар Катта хорининг чиқиши.
13.00 «Йиллар ва тақдирлар». Ҳужжатли фильм премьераси.
14.05 «Қалбга яқин қўшиқлар».
14.50 В. Розов. «Мангу барҳаётлар». Фильм-спектакль.
17.15 «Бугун — Ғалаба байрами». СССР Мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколов сўзи.
17.30 «Менинг жанговар сафдошларим». Киноконцерт.
18.30 Янгиликлар.
18.40 Мультфильм.
19.00 «Ёдингдами, ўртоқ». Улуғ Ватан уруши ветеранларининг Москвадаги анъанавий учрашувидан репортаж.
19.50 ФАШИЗМГА ҚАРШИ ЖАНГЛАРДА ҚУРБОН БЎЛГАНЛАРНИНГ ПОРЛОҚ ХОТИРАСИ. Бир минутлик сукунат.
20.10 «Қадрдон далалар». Концерт.
20.25 «Антоша Рибкин». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.15 «Ғалаба салюти». Останкино концерт студиясида байрам кечаси.
23.45 Тинчлик велосипед пойгаси. ГДРдан олиб кўрсатилади.
00.05 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 Ғалаба байрамига ҳужжатли фильмлар: «Маҳфий буюртма», «Жасоратнинг давоми», «Лочинлар ҳам парвоз этишди».
10.20 А. Твардовский. «Поэмалар».
10.50 «Оталар шинелида ўтган ёшлик». 40-йилларнинг пионерлари ҳақида.
12.00 И. ва В. Ольшанскийлар. «Тропининлар». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.
14.45 «Москвада май». Совет қўшиқларидан концерт.
15.35 Болалар учун фильм. «Ғоввослар сув остида».
16.55 «...Шунингдек цирк ҳам». Фильм-концерт премьераси.
17.40 «Ҳужжатли экран». Кинолавда.
18.25 Мультфильмлар.
18.50 «Қалб унутармиди». Фильм-концерт.
19.50 ФАШИЗМГА ҚАРШИ ЖАНГЛАРДА ҚУРБОН БЎЛГАНЛАРНИНГ ПОРЛОҚ ХОТИРАСИ. Бир минутлик сукунат.
20.10-20.30 «Биз бахтиёр эдик». Н. Подвойский. Илмий-оммабоп фильм.
20.45 «Ғалаба куйи янграганда». Фильм-концерт.
21.30 «Время».
22.15 «Мени ерда кутишяпти». Бадиий фильм.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Ҳужжатли кино экрани». Ғалаба байрамига бағишланади.
11.05 «Ҳарбий оркестр сафда». СССР Мудофаа министрлиги алоҳида намунали оркестри ижро этади.
11.50 «Жангчи шоирлар — бизнинг меҳмонимиз».
12.20 «Икки Фёдор». Бадиий фильм (рус.).
* * *
17.45 Кўрсатувлар программаси.
17.50 «Солдат отаси». Бадиий фильм.
19.20 «Бизнинг буюк ғалабамиз». Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округи жанговар тайёргарлик бошқармасининг бошлиғи, генерал-лейтенант И. Е. Бобров сўзи.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 Москва. ФАШИЗМГА ҚАРШИ ЖАНГЛАРДА ҚУРБОН БЎЛГАНЛАРНИНГ ПОРЛОҚ ХОТИРАСИ. Бир минутлик сукунат.
20.10 «Мангу олов», «Халқ қалбида». Телефильмлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Мардлик мадҳияси». Ғалаба байрамига бағишланган кўрсатув.
21.30 Москва. «Время».
22.15 «Мардлик мадҳияси». Ғалаба байрамига бағишланган кўрсатув (давоми).
23.05 Ғалаба байрамига бағишланган спорт байрами. Тошкент ипподромидан репортаж.
23.45 Кўрсатувлар программаси.

● УзТВ II

9.00—17.40 МТ II
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Халқ хотирасида». Телефильм.
18.35 «Мен шунга қарор қилдим ва шуни бажараман». Телефильм.
19.05 «Қўшиқ қўшиқни чорлайди». Фильм-концерт.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Совет киноси». Киножурнал.
20.35 «Прага каштанлари остида». Фильм-спектакль. 2-серия (рус.).
21.30 МТ II

## ПАЙШАНБА, 10. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.50 «Паровоз этмоқчиман». Телефильм.
10.20 «Экран дўстларни чорлайди».
10.55 «Антоша Рибкин». Бадиий фильм.
12.00 «Саёҳатчилар клуби».
13.00 Янгиликлар.
* * *
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Қишлоқ уфқлари». Ҳужжатли фильмлар: «Қадрдон ер инъомлари», «Сиз бу ерда қандай яшаяпсиз?», «Директорнинг ҳаётидан».
16.20 «Рус тили».
16.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.35 «Алексей Экимян қўшиқлари». Фильм-концерт премьераси.
18.00 «Шахмат мактаби». «Маҳорат сабоқлари».
18.30 «Миллионлар ленинча университети». «Икки дунё — икки сиёсат».
19.00 «Кувноқ нотачалар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Совет киноси». Киножурнал.
19.40 Халқ хорларининг II Бутунроссия кўриги.
20.30 Чехословакия телевидениесининг Чехословакия фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 39 йиллигига бағишланган программаси.
21.30 «Время».
22.05 «Санъат усталари». РСФСР халқ артисти О. Басилашвили.
23.30 «Дунё воқеалари».
23.45 Тинчлик велосипед пойгаси. ГДРдан олиб кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15-9.35 «Инсон, машина, туйғу». Илмий-оммабоп фильм.
12.10-12.40 «Онамларнинг мактаби».
14.15 «Драматургия ва театр». Г. Ибсен.
15.05 «Оталар изидан борар солдатлар». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.30 Янгиликлар.
* * *
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Чашмалар».
19.20 «Тўққизинчи застава». Ҳужжатли фильм.
19.30-20.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.50 «Е. Колесник куйлайди». Фильм-концерт.
21.05 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». Х. Кутателадзе.
21.30 «Время».
22.05 «Пишмаган малина». Телевизион бадиий фильм премьераси (ЧССР).

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Нурли чеҳралар». Болалар учун фильм-концерт.
10.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
11.00 «Солдат отаси». Бадиий фильм.
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.25 ««Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мен тинчлик учун овоз бераман».
19.00 КПСС Марказий Комитети (1983 й) июнь Пленуми қарорлари — ҳаётга! «Ижтимоий фанларни ривожлантиришнинг актуал масалалари».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг мақомчилар ансамбли ижро этади.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Мустаҳкам озуқа базаси учун».
22.25 «Театр учрашувлари». Ленинград Ёш Томошабинлар театри — бизнинг меҳмонимиз.
23.25 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00—16.30 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Баҳорда боғда». Музикали телефильм.
18.45 «Улар 16 ёшга тўлмаган эдилар». Телефильм.
19.05 «Классик куй саҳифалари».
19.50 Реклама.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «МХАТ мактаб-студиясининг 1-курсида». Ҳужжатли фильм. 1-қисм (рус.).
21.20 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал.
21.30 МТ II

## ЖУМА, 11. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Мардлик мактаби».
10.40 «Мени ерда кутишяпти». Бадиий фильм.
12.00 «Қўшиқ инсон билан қолади».
13.00 Янгиликлар.
* * *
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Ҳужжатли фильмлар.
16.15 Кировоград шаҳар «Весна» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
16.35 «Стадион ҳамма учун».
17.10 «Сенинг ленинча кутубхонанг». В. И. Ленин. «Материализм ва эмпириокритицизм». 2-кўрсатув.
17.40 М. Мусоргский номли Урал Давлат консерваториясининг ўқитувчилари ва студентлари ижро этади.
18.05 Мультфильм.
18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Юр, кўрасан». Вятка дарёси ҳақида телефильм.
19.45 М. Фрадкин асарларидан концерт.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) —«Спартак».
23.45 «Дунё воқеалари».
24.00 Тинчлик велосипед пойгаси. ГДРдан олиб кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15-9.35 «Композитор Глазунов». Илмий-оммабоп фильм.
12.05—12.40 «Онла ва мактаб». Тележурнал.
14.10 Л. Леонов. «Ҳужум».
14.55 «Совет монументал ва портрет ҳайкалтарошлиги».
15.25 «Қай томон оқяпсан, Амударё» Илмий-оммабоп фильм.
15.45 «Звездочёт». Тележурнал.
16.30 Янгиликлар.
* * *
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Москва юлдузлари» санъат фестивали. Концерт.
19.40—20.30 Э. Асадов поэзияси.
20.55 «Дунё ва ёшлар».
21.30 «Время».
22.00 «Эқилмаган жавдарининг гуллаши». Бадиий фильм.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Мультфильм.
10.40 «Ёзувчилар — болаларга». Шарль Перро (тақрорий).
11.30 Ўқув программаси.
12.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар». «Студент қурилиш отрядлари жангчиларини касбҳунар кўникмаларига ўргатиш» (рус.).
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Баҳор нашидаси». Уткир Рашид.
18.35 «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат» (рус.).
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор»—МАСК. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).
20.50 «Ахборот».
21.10 «Бошланиши». Катталар учун мультфильм.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Дунё воқеалари».
22.30 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув.
23.40 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00—16.35 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Ўқув программаси.
18.50 Болалар учун фильм. «Қойилмақом Фердинанд» (рус.).
19.50 «Педиатр маслаҳати».
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Китоб дўстлари».
20.55 «МХАТ мактаб-студиясининг 1-курсида». Ҳужжатли фильм. 2-қисм (рус.).
21.30 МТ II

## ШАНБА, 12. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Усмирлар ижоди».
10.25 «Спортлото»нинг 19-тиражи.
10.35 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
11.05 «Дўстлик ва ҳамкорлик йўлларидан». СССР билан Болгария Халқ Республикаси ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳақида киноочерк.
11.30 «Сизни қизиқтирган адабиётлар».
12.15 Б. Чайковский. 3-«Севастополь» симфонияси.
13.00 «Тўхтахон опанинг алласи». Телефильм премьераси. «Улкан тақдир эгалари» туркумидан.
13.30 «Мардлик қонунига биноан». Кўрсатувни ёзувчи Ю. Семёнов олиб боради.
14.00 Халқ бадиий ижоди Бутуниттифоқ кўриги.
14.20 «Сиз бунга қодирсиз».
15.05 «Дунё воқеалари».
15.20 Болалар учун фильм. «Уддабурон Берендеев».
16.25 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
16.55 «Опера солисти — Леонид Сметанников». Фильм-концерт премьераси.
17.30 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
18.00 Мультфильм.
18.20 «Қасосдан қочиб юрганлар». Ҳужжатли фильм премьераси.
19.10 «Ҳайвонот оламида».
20.10 «Месье Ленуар, қайсики...» Телеспектакль премьераси. 1-қисм. Автор — А. Салакру.
21.30 «Время».
22.05 «Месье Ленуар, қайсики...» 2-қисм.
23.25 Оперетта артистларининг концерти.
00.10 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 Спорт ҳақида ҳужжатли фильмлар.
10.10 «Тонгги почта».
10.40 МОЛДАВИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
11.50 «Жаҳон музейлари бўйлаб». Кинокўрсатув.
12.35 «Мана шундай мўъжизалар». Телевизион бадиий фильм премьераси.
13.40 «Саёҳатчилар клуби».
14.40 Союзлар уйининг Колонна залида санъат усталарининг концерти.
16.00 М. Горький. «Егор Буличов ва бошқалар». Фильм-спектакль.
18.35 «Музикали киоск».
19.05 «Қизиқдиган уй». «Қишлоқ қиссалари» туркумидан телефильм.
20.15—20.30 «Халқаро обзор».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.00 «Москва юлдузлари» санъат фестивали. Концерт.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Ёш гвардия». Бадиий фильм. 1-серия (рус.).
11.55 «Ўзбек киноси усталари». ЎзССР халқ артисти С. Ҳужаев.
12.55 «Ҳовлимиздаги стадион» (рус.).
13.25 Адабий театр. Азим Суюн. «Она-Ер нидоси».
14.05 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак».
14.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор».
* * *
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Мўъжизалар оламига саёҳат».
19.00 «Ота-оналар университети».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Санъат ва меҳнат ҳамкорлиги».
20.15 «Ҳамма нарсани билишни истайман». Киножурнал.
20.30 «Ахборот».
20.50 Бобомурод Ҳамдамов куйлайди.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ғўза парваришига — индустриал сифат».
22.25 Оснё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII Тошкент Халқаро кино фестивали олдидан.
23.30 Кўрсатувлар программаси.

● 17.55—21.30 ТОШКЕНТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

## ЯКШАНБА, 13. V

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Болгар халқ оҳанглари».
10.00 Телефильмлар: «Пса... си ёқасидаги шаҳар» ниш қирғоқлар бўйида».
10.35 «Будильник».
11.05 «Совет Иттифоқига қиламан!»
12.05 «Здоровье».
12.50 «Тонгги почта».
13.20 «Совет тупроғидаги ... лар».
13.35 «Қишлоқ янгиликлари».
14.35 «Музикали киоск».
15.05 «Бу дақшат-ку». Телевидадиий фильм премьераси. 1- ва 2-сериялар.
17.15 «Саёҳатчилар клуби».
18.20 М. Ю. Лермонтов. «Дам... Фильм-концерт премьераси.
19.05 «Халқаро панорама».
19.50 Мультфильмлар.
20.10 «Деразаларни очинг» дий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Дунё ва ёшлар».
22.40 «Футбол шарҳи».
23.10 «Кинорежиссёр Юлий ... ман». Ҳужжатли фильм премьераси.
23.30 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядка с сафлянка!»
9.20 Ҳужжатли фильмлар: ... лар урушнинг расини зишяпти», «Пионерия».
10.00 «Рус тили».
10.30 Новосибирск камер ... нинг концерти.
10.50 П. И. Чайковский. Фортепиано ва оркестр ижроси ... 1-концерт.
11.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
12.30 «Ерда, самода ва денгизда».
13.00 «Кинопанорама».
14.35 «Замондошларимиз қуйлайди».
15.35 «Мухбирларимиз ҳикоя ... ладилар».
16.10 Социалистик ҳамдўстлик ... лакатлари қўшиқлари ... чилари Бутуниттифоқ ... курсининг лауреатлари. Мальгина ва Э. Бобоев ... ҳон халқларининг қўшиқ... рини куйлайдилар.
16.50 «Ғолиблар». Фронтдош... лар клуби. 2-ҳаво армияси ветеранларининг учраши...
18.20 «Бонивур қалбки». Телевидадиий фильм. 4-серия.
19.15—20.30 Машҳур совет ... чилари — Ленин мукофотининг лауреатлари. «М. ... шу куйлайди».
20.45 Рус Давлат музейи. «... тин Серов».
21.15 «Халқ куйлари».
21.30 «Время».
22.15 «Вероникининг қайтиши». дий фильм.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Ёш гвардия». Бадиий фильм. 2-серия (рус.).
11.45 Мультфильм.
12.00 Мактаб ўқувчилари учун «Кувноқ стартлар».
12.55 «Халқ истеъмоли молларига — юқори сифат».
13.25 «Ўзбекистон спорти».
13.55 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун» (рус.).
14.30 Реклама.
* * *
17.35 Кўрсатувлар программаси.
17.40 Мактаб ўқувчилари учун «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.20 «Ижодий учрашувлар». ... қад Мухтор.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Цирк! Цирк! Цирк!».
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дуторчи қиз... ансамблининг концерти. ... ги программа.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Йиғлама, қизалоқ». Бадиий фильм.
23.25 Кўрсатувлар программаси.

● 16.00—21.30 КИРГИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.


**ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ**

ҚИЗИҚАРЛИ САЁҲАТЛАРГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

**МОСКВА** (2 кун) — **СУЗДАЛЬ** (5 кун) — **МОСКВА** (5 кун) — 13—24 май, 17—28 июнь кунлари.

Туристлар Владимир, Боголюбово, Иваново, Палех шаҳарларида бўладилар.

Москвада «ИЗМАЙЛОВО» комфортабелли туристик комплексида жойлашадилар.

Путёвка баҳоси — 340 сўм.

**ДМИТРОВ — «ТОРБЕЕВО КЎЛИ» — ТУРИСТИК БАЗАСИ** — 28 май — 11 июнь, 21 июнь — 5 июль кунлари.

Туристлар Москва, Загорск, Переяславль, Ростов, Красногорск, Радонеж, Александров шаҳарларида ва «Архангельское» музейи-усадбасида бўладилар.

Путёвка баҳоси — 285 сўм.

**КЛАЙПЕДА—РОКИШКИС** — 14—28 май кунлари.

Путёвка баҳоси — 290 сўм.

**КАУНАС—САУЛЕСКАЛНС—СИГУЛДА** — 15—30 май кунлари.

Путёвка баҳоси — 355 сўм.

**КАУНАС—ШЯУЛЯЙ** — 21 май—2 июнь кунлари.

Путёвка баҳоси — 275 сўм.

**ШЯУЛЯЙ—ПАЛАНГА** — 31 май—14 июнь кунлари.

Путёвка баҳоси — 300 сўм.

**ТРАКАЙ—ЗАРАСАЙ** — 24 май—4 июнь кунлари.

Путёвка баҳоси — 260 сўм.

**БАЗАЛЕТИ** (Тбилиси) — **ЗЕЛЕНИЙ МИС** (Ботуми) — 25 май—14 июнь кунлари.

Путёвка баҳоси — 270 сўм.

**БАЗАЛЕТИ—СУХУМИ** — 21 май—10 июнь кунлари.

Путёвка баҳоси — 275 сўм.

Путёвка баҳосига самолётда бориш ва келиш, овқатланиш, яшаш ва экскурсия хизмати ҳақлари киритилган.

Путёвкаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан тарқатиш мумкин.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Парадлар хиёбони, 5-уй. Телефонлар: 39-13-59, 39-43-73.



А. С. ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИНИНГ ЁЗГИ ТЕАТРИДА

5—6 МАЙ СОАТ 20.30 ДА

**«ХАНДА» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ**

ҚАТНАШАДИЛАР:

Солистлар Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Ғайбулла МЕЛИЗИЕЕВ, Аъзам ҒОЗИЕВ, Санобар РАҲИМОВА, Ҳасан КАРИМОВ ва бошқалар.

ПРОГРАММАДА сатира ва юмор, пародиялар, ҳазил ва лирик қўшиқлар.

Билетлар сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Касса соат 14,00 дан 18.00 гача очиқ.


## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/V **Чио-Чио-Сан**, 6/V да **Этик кийган мушук** (12.00), **Дон Кихот** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/V да **Тошболта ошиқ**, 6/V да **Ватан ишқи**.

## КИНО

**5 МАЙДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«СЕВАМАН, КУТАМАН СЕНИ, ЛЕНА» — **«Дружба»** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-11-76).

«ЁШЛИК РЕЦЕПТИ» — **Дружба** (тоқ соатларда).

«ЮРАКНИНГ ИККИ БЎЛАГИ» — **Ватан** (жуфт соатларда).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ» — **Санъат саройи** (катта зал, 18.30, 21.00, телефон, 44-21-74).

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — **Санъат саройи** (17, 19.30).

«ЭКИПАЖ» — **Нукус** (18.30, 21.00, телефон 46-70-89).

«ТЕҲРОН-43» — **Чайка** (16, 18.30, 21.00, телефон 77-06-20).

«МЕХАНИК ГАВРИЛОВНИНГ СЕВИМЛИ МАҲБУБАСИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

**6 МАЙДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«СЕВАМАН, КУТАМАН СЕНИ, ЛЕНА» — **«Дружба»** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-11-76).

«ЁШЛИК РЕЦЕПТИ» — **Дружба** (тоқ соатларда).

«ЮРАКНИНГ ИККИ БЎЛАГИ» — **Ватан** (жуфт соатларда).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ» — **Санъат саройи** (катта зал, 18.30, 21.00, телефон, 44-21-74).

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — **Санъат саройи** (17, 19.30).

«ЭКИПАЖ» — **Нукус** (18.30, 21.00, телефон 46-70-89).

«ТЕҲРОН-43» — **Чайка** (16, 18.30, 21.00, телефон 77-06-20).

«МЕХАНИК ГАВРИЛОВНИНГ СЕВИМЛИ МАҲБУБАСИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).


**ХУСУСИЙ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Чилонзор массивида истиқомат қилувчи хусусий автомобиль транспорти эгаларига қулайлик яратиш мақсадида Х. Турсунқулов кўчаси, 21-кварталда жойлашган 14-АВТОЗАПРАВКА СТАНЦИЯСИ НАҚД ПУЛГА АВТОМОБИЛЬ БЕНЗИНИ ВА МОТОР МОЙИНИ СОТАДИ

Тошкент шаҳрида аҳолига нақд пулга нефть маҳсулотларини сотувчи автозаправка станцияларининг адресини маълум қиламиз:

1 —Локомотивная кўчаси, (Аэропорт);
4 — Беруний кўчаси;
8 — Энгельс кўчаси;
14 — Х. Турсунқулов кўчаси (Чилонзор массиви);
16 — М. Горький кўчаси (Шимоли-Шарқ массиви);
20 — Лисунов кўчаси.

**ТОШКЕНТ НЕФТЬ БАЗАСИ.**



«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

7 МАЙ СОАТ 19.00 ДА СССР Биринчилиги учун «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ТОРПЕДО» (Москва) КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

**ФУТБОЛ**

Олиндан билет сотиш кассалари ишламоқда.


Собир Раҳимов районида-ги Куйбишев номли 1-мактаб томонидан **Акромов Бобир** номига берилган 911212 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

7 МАЙ СОАТ 10.00 да

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Ўрта мактабларни ... рувчилар таклиф қилади

Программада институт кафедралари ва лабораториялари бўйлаб мастер-радиоҳаваскорлар кўргазмаси намойиш қилинади, кунига бағишланган байрамлар.

Адрес: Тошкент ... Энгельс кўчаси, 108, ... зали.



«Узагросинтез» ... наси коллективи ... ректорининг ўринбосари Умурзоқовга онаси

**Маъсуда СУЛАЙМОНОВА**нинг вафот этганлиги ... билан чуқур таъзия қилади.



Акмал Икромов ... 203-мактаб коллективи ... директори Э. Камолов ...

**Тўхтасин КАМОЛОВ**нинг вафот этганлиги ... билан чуқур таъзия ... этади.



4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5 МАЙ, 1984 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, 